

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЧИЛИК ТҮПЛАМИ

30-сон
(998)
2021 йил
июль

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик түплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўtkazilgan норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

441. «Судлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 28 июлдаги ЎРҚ-703-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

442. «Аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини янада яхшилаш чоратадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 июлдаги ПҚ-5198-сон қарори

443. «Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 28 июлдаги ПҚ-5199-сон қарори

444. «Узумчиликни ривожлантиришда кластер тизимини жорий этиш, соҳага илфор технологияларни жалб қилишни давлат томонидан қўллаб-

- кувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 28 июлдаги ПҚ-5200-сон қарори
445. «Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 2021 йил 18 майдаги «Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар худуди деб эълон қилиш тўғрисида»ги маҳсус резолюцияси ни амалга ошириш чоралари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 июлдаги ПҚ-5202-сон қарори
446. «Олий таълим ташкилотларида таълим олиш имкониятларини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 июлдаги ПҚ-5203-сон қарори
447. «Кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ оиласалар фарзандларини қўллаб-кувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 июлдаги ПҚ-5204-сон қарори
448. «Хорижга ташкиллашибилган меҳнат миграциясига кетаётган фуқароларни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 июлдаги ПҚ-5205-сон қарори

Бешинчи бўлим

449. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2021 йил 5 июлдаги 144-сон «Рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларини ва қатъий ҳисобдаги бланкаларни беришда, автомототранспорт воситалари, уларнинг тиркамалари (ярим тиркамалари)ни рўйхатдан ўтказишида, қайта рўйхатдан ўтказишида, мажбурий техник кўрикдан ўтказишида, шунингдек, имтихонларни олишда ундириладиган тўловлар ставкаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 28 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2303-3*)
450. Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси хузуридаги Кадастр агентлиги директорининг 2021 йил 19 июлдаги 3-сон «Кўчмас мулк объектларига кадастр йиғмажилдини тайёрлаш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини ўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 28 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2725-3*)
451. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2021 йил 28 июлдаги 15-мҳ-сон «Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик тизими такомиллаштирилиши муносабати билан вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг айрим идоравий норматив-хукуқий хужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республика-*

си Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 28 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3313)

452. Ўзбекистон Бадиий академияси раисининг 2021 йил 27 июлдаги И-100-сон «Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтига кириш касбий (ижодий) имтиҳон натижаларини баҳолаш мезонларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруфи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 29 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3314*)
453. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2021 йил 12 июлдаги 8-сон «Рецептсиз бериладиган дори воситалари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруфи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 30 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3315*)
454. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг 2021 йил 23 июлдаги 13-сон, Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташки савдо вазирлиги хузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигининг 2021 йил 19 июлдаги К-3-сон, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 19 июлдаги 3-сон ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 23 июлдаги 11-сон «Мактабгача таълим муассасаларини ўйинлар, ўйинчоклар, мебель, жиҳозлар ва бошқа техник воситалар билан жиҳозлаш меъёрларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорни ўз кучини ўқотган деб топиш хақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 30 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2986-1*)
455. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2021 йил 2 июлдаги 43-сон «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан қабул қилинган айрим идоравий норматив-хуқуқий ҳужжатларни ўз кучини ўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруфи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 30 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3316*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-хуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНинг ҚОНУНИ

441

Судлар тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2021 йил 15 июня қабул қилинган

Сенат томонидан 2021 йил 26 июня
маъқулланган

1-боб. Умумий қоидалар

1-модда. Суд ҳокимияти

Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмалиридан мустақил ҳолда иш юритади.

Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти факат судлар томонидан амалга оширилади. Ҳеч қайси бошқа органлар ва шахслар суд ҳокимияти ваколатларини ўзлаштириб олишга ҳақли эмас.

2-модда. Суд тизими

Ўзбекистон Республикасида суд тизими:

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди;

ҳарбий судлар;

Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари;

Қорақалпоғистон Республикаси маъмурий суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари;

фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман, шаҳар судлари;

жиноят ишлари бўйича туман, шаҳар судлари;

туманлараро, туман, шаҳар иқтисодий судлари;

туманлараро маъмурий судлардан иборатdir.

Ўзбекистон Республикасида ишларнинг тоифаларига кўра судларнинг ихтинослашуви амалга оширилиши мумкин.

Фавқулодда судлар тузишга йўл қўйилмайди.

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 29 июлда эълон қилинган.

3-модда. Судлар тўғрисидаги қонунчилик

Судлар тўғрисидаги қонунчилик ушбу Қонун ва бошқа қонун хужжатларидан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судини ташкил этиш ва унинг фаолияти тартиби алоҳида қонун билан белгиланади.

4-модда. Суднинг асосий вазифалари

Суднинг асосий вазифалари фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа қонунлари, ҳалқаро шартномаларида, шунингдек инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги ҳалқаро ҳужжатларда кафолатланган ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини, давлат ва жамоат манфаатларини, юридик шахслар ҳамда якка тартибдаги тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат.

Суднинг фаолияти қонун устуворлигини, ижтимоӣ адолатни, фуқаролар тинчлиги ва тотувлигини таъминлашга қаратилгандир.

5-модда. Судьялар корпусини шакллантириш

Судьялар корпусини шакллантириш судьяларнинг мустақиллиги принципига қатъий мувофиқ ҳолда Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгashi томонидан амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашини ташкил этиш ва унинг фаолияти тартиби алоҳида қонун билан белгиланади.

6-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг қонунчилик ташаббуси

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий суди қонунлар лойиҳаларини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш орқали амалга ошириладиган қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга.

7-модда. Судларда давлат рамзлари

Суд биносида Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи кўтарилади, суд биносининг олд томонида ва суд мажлислари залида Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг тасвири жойлаштирилади.

8-модда. Қонунийлик

Ўзбекистон Республикасида одил судлов қонунга қатъий мувофиқ ҳолда амалга оширилади.

9-модда. Судьяларнинг мустақиллиги

Судьялар мустақилдир, фақат қонунга бўйсунади. Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашибашга йўл қўйилмайди ва бундай аралашув қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Судьяларга одил судловни амалга ошириш билан боғлик бўлмаган ҳар қандай вазифалар юклатилишига йўл қўйилмайди.

10-модда. Суд хужжатларининг мажбурийлиги

Қонуний кучга кирган суд хужжатлари барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, мансабдор шахслар, фуқаролар учун мажбурийдир ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бутун худудида ижро этилиши шарт.

Суд хужжатини ижро этмаслик қонунда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

11-модда. Қонун ва суд олдидағи тенглик

Барча фуқаролар жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ҳамда ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун ва суд олдида тенгдир. Корхоналар, муассасалар ҳамда ташкилотлар ҳам қонун ва суд олдида тенгдир.

12-модда. Суд ишларини юритишнинг ошкоралиги

Барча судларда ишлар очиқ кўрилади. Ишларни ёпиқ суд мажлисида кўриб чиқишига фақат қонунда белгиланган холларда йўл қўйилади.

Суд мажлиси залида ҳозир бўлган шахслар, оммавий ахборот воситалари вакиллари суд мажлиси залида қонунда белгиланган тартибда фотосуратга олиши, видео ва аудио ёзувни амалга ошириши мумкин.

13-модда. Суд ишлари юритиладиган тил

Ўзбекистон Республикасида суд ишларини юритиш ўзбек тилида, қорақалпоқ тилида ёки муайян жойдаги кўпчилик аҳоли сўзлашадиган тилда олиб борилади.

Суд ишлари юритилаётган тилни билмайдиган ишда иштирок этувчи шахсларга таржимон орқали иш материаллари билан тўла танишиш, суд харакатларида иштирок этиш ҳукуқи ва судда она тилида ёки улар биладиган бошқа тилда сўзлаш ҳукуқи таъминланади.

14-модда. Суд химоясида бўлиш ҳукуқи

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар давлат органлари ҳамда бошқа органларнинг ҳар қандай ғайриқонуний қарорлари, уларнинг мансабдор шахсларининг хаттихаракатларидан (харакатсизлигидан), шунингдек ҳаёти ва соғлифи, шаъни ҳамда қадр-қиммати, шахсий эркинлиги ва мол-мулки, бошқа ҳукуқ ва эркинликларига тажовузлардан суд химоясида бўлиш ҳукуқига эга. Юридик шахслар ҳам суд химоясида бўлиш ҳукуқига эгадир.

15-модда. Одил судловни амалга оширишда малакали юридик ёрдам

Одил судловни амалга оширишда ҳар бир кишига малакали юридик

ёрдам олиш хукуки кафолатланади. Гумон қилинувчига, айбланувчига, судланувчига суд ишларини юритишнинг хар қандай босқичида ҳимояланиш хукуки таъминланади.

Қонунда белгиланган ҳолларда давлат бепул малакали юридик ёрдам кўрсатилишини таъминлайди.

16-модда. Айбизизлик презумпцияси

Айбланувчи, унинг айби қонунда назарда тутилган тартибда исботланмагунга ва суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланмагунга қадар, айбизиз ҳисобланади.

Хеч ким суд қарорига асосланмаган ҳолда қамоққа олиниши мумкин эмас.

Хеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон шаъни ва қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазыйққа дучор этилиши мумкин эмас.

17-модда. Суд ҳужжати устидан шикоят қилиш хукуки

Тарафлар, қонунда назарда тутилган ҳолларда эса бошқа шахслар ҳам суд ҳужжати устидан қонунда белгиланган тартибда шикоят қилиш хукуқига эга.

2-боб. Ўзбекистон Республикаси Олий суди

18-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Олий суди фуқаролик, жиноий, иқтисодий ва маъмурий суд ишларини юритиш соҳасида суд ҳокимиятининг олий органидир.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди қўйи судларнинг судлов фаолияти устидан назорат олиб бориш хукуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди:

ўз ваколатлари доирасида ишларни биринчи, апелляция ва кассация инстанцияси суди сифатида, шу жумладан кассация инстанцияси судида тақроран, шунингдек янги очилган ҳолатлар бўйича кўриб чиқади;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумида суд амалиётининг долзарб масалаларини кўриб чиқади ва қонунчиликнинг қўлланилиши юзасидан тушунтиришлар беради;

ҳарбий судларнинг, Қорақалпоғистон Республикаси судининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг, Қорақалпоғистон Республикаси маъмурий судининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судларининг, туманлараро, туман, шаҳар судларининг ташкилий фаолиятини ўрганади;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг тушунтиришлари судлар томонидан бажарилиши устидан назоратни амалга оширади;

суд амалиёти ва суд статистикасининг тизимли таҳлилини амалга оширади;

судьяларнинг ва суд аппарати ходимларининг малакасини ошириш бўйича ишларни ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди қонунга мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

19-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг таркиби

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раис, унинг биринчи ўринbosари — маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати раиси, ўринbosарлари — фуқаролик, жиноят ва иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатлари раислари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяларидан иборатdir.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди кўйидаги таркибда иш юритади:

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсати;

Маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати;

Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати;

Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати;

Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати.

Судлов ҳайъатларида ихтисослаштирилган судлов таркиблари тузилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяларининг сон жиҳатдан таркиби Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланади.

20-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьялари, Қорақалпоғистон Республикаси суди ва Қорақалпоғистон Республикаси маъмурий суди раисларидан иборат таркибда иш юритади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг мажлисларида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раиси, Судьялар олий кенгаши раиси, Баш прокурори, адлия вазири, Адвокатлар палатаси раиси, судьялар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги илмий-маслаҳат кенгаши аъзолари иштирок этиши мумкин.

21-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумини чакириш тартиби

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми заруриятга қараб, лекин тўрт ойда камида бир марта чакирилади. Қонунчиликни қўллаш масалаларига доир қарорлар лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг аъзоларига ва бошқа манфаатдор ташкилотларга мажлисдан йигирма кун илгари юборилади.

22-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми Пленум аъзоларининг камидан учдан икки қисми хозир бўлган тақдирда ваколатлидир.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми:

суд амалиётини умумлаштириш материалларини кўриб чиқади ва қонунчиликни қўллаш масалалари бўйича тушунтиришлар беради;

қонунчилик ташаббуси тартибида ишлаб чиқилган қонун лойиҳалари ни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқади;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари нормаларига расмий шарх бериш масалалари юзасидан мурожаат киритиш, шунингдек муайян ишда қўлланилиши лозим бўлган норматив-хукуқий хужжатларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига муовфикалиги тўғрисидаги судлар ташаббуси билан киритилган масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига мурожаат киритиш ҳақидаги тақдимномасини кўриб чиқади;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий суди хузуридаги илмий-маслаҳат кенгаши таркибини тасдиқлади;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг тақдимномаларига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг таркибини, судлов ҳайъатларининг таркибини, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг котибини тасдиқлади;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг иши тўғрисидаги ахборотни, шунингдек судлов ҳайъатлари фаолияти ҳақидаги маъruzalarni эшитади;

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди, Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, Қорақалпоғистон Республикаси маъмурий суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари раисларининг қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисидаги, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қонунчиликни қўллаш масалалари бўйича тушунтиришлари бажарилиши ҳақидаги маъruzalarni эшитади;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий суди аппарати раҳбарини тасдиқлади ва унинг Ўзбекистон Республикаси Олий суди аппарати фаолияти тўғрисидаги ҳисботларини эшитади;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди матбуот органининг таҳрир ҳайъати таркибини тасдиқлади;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Раёсати регламентларини тасдиқлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қонунга мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ўз ваколатларига киритилган масалалар юзасидан қарорлар қабул қиласди.

23-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарори

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарори мажлисда

иштирок этаётган Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми аъзоларининг кўпчилик овози билан очик овоз бериш орқали қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарори Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг котиби томонидан имзоланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарори қабул қилинган кундан эътиборан қонуний кучга киради ва Ўзбекистон Республикаси Олий судининг расмий нашрларида эълон қилинади.

24-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми мажлисининг баённомаси

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг мажлисларида баённома юритилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми мажлисининг баённомаси Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг котиби томонидан имзоланади.

25-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми томонидан ўз ваколатларига киритилган масалаларни кўриб чиқиш

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Пленуми кўриб чиқиши учун масалалар Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси томонидан киритилади.

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгashi, Бош прокурори қонунчиликни қўллаш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми томонидан тушунтиришлар берилиши ҳақида таклифлар киритишга ҳақли.

Масалани кўриб чиқиш Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьясining ёки бунинг учун ваколат берилган бошқа шахснинг маърузасини эшлишидан бошланади. Масаланинг мухокамасида Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг мажлисига таклиф қилинган шахслар иштирок этиши мумкин.

Қонунчиликни қўллаш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг тушунтиришлари судлар, ушбу тушунтириш берилган қонунчиликни қўллаётган давлат органлари ва бошқа органлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахслар учун мажбурийдир.

26-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг котиби

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг котиби Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяси вазифаларини бажариш билан бирга Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми мажлисини тайёрлашга, мажлис баённомасини юритишга доир ишларни ташкилий жиҳатдан таъминлайди ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарори ижросини ташкил этиш учун зарур бўлган харакатларни амалга оширади.

27-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг таркиби

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсати Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяларидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми томонидан белгиланадиган миқдорда тузилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси, унинг биринчи ўринbosаси ва ўринbosарлари Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсати таркибига лавозими бўйича киради.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсати мажлислари заруриятга қараб, лекин ҳар ойда камида бир марта ўтказилади ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсати аъзоларининг кўпчилиги ҳозир бўлган тақдирда ваколатлидир.

28-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсати:

суд амалиётини умумлаштириш материалларини кўриб чиқади;

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди, Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, Қорақалпоғистон Республикаси маъмурий суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари раисларининг суд фаолияти тўғрисидаги ва қонунчиликни қўллаш амалиёти ҳақидаги маъruzаларини эшитади;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди судлов ҳайъатлари ва аппарати ишини ташкил этиш масалаларини кўриб чиқади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсати қонунга мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

29-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судлов ҳайъатлари

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судлов ҳайъатлари:

ишларни биринчи инстанцияда, апелляция ва кассация тартибида, шу жумладан кассация инстанцияси судида такроран кўради;

суд амалиётини ўрганади ва умумлаштиради;

суд амалиёти обзорларини тайёрлайди;

қонунчиликни тақомиллаштириш юзасидан тақлифлар ишлаб чиқади;

суд статистикасини таҳлил қиласди.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судлов ҳайъатлари қонунга мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

30-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси:

Ўзбекистон Республикаси Олий суди фаолиятига ташкилий раҳбарликни амалга оширади;

иши кассация инстанцияси судида такроран кўриш зарурлиги ҳақидаги

масалани ҳал этиш учун қонунда назарда тутилган тартибда суд ишларини талаб қилиб олади;

ишни кассация инстанцияси судида такоран кўриш тўғрисида қонунда назарда тутилган тартибда протест киритади;

судларнинг ҳал қилув қарорлари, ҳукмлари, ажримлари ва қарорлари ижросини қонунда назарда тутилган тартибда тўхтатиб туради;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Раёсатини чақиради ҳамда уларнинг мажлисларида раислик қиласди;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Раёсати қарорларининг бажарилиши устидан назоратни амалга оширишга доир ишларни ташкил этади;

ишни бир суддан бошқа судга ўтказиш тўғрисидаги масалани ҳал қиласди;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Раёсати кўриб чиқиши учун уларнинг ваколатларига тааллуқли бўлган масалаларни киритади;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми тушунтиришлари қонунчиликка мувофиқ эмаслиги аниқланган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумига тақдимномалар киритади;

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари нормаларига расмий шарҳ бериш тўғрисида, шунингдек судлар ташабbusи билан киритилган муайян ишда қўлланилиши лозим бўлган норматив-ҳукукий хужжатларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқлиги хақида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига мурожаат киритиш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумига тақдимнома киритади;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг таркиби тўғрисида, судлов ҳайъатлари таркиблари хақида Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумига тақдимномалар киритади;

Ўзбекистон Республикаси судлари судьялари олий малака ҳайъатининг (бундан бўён матнда Судьялар олий малака ҳайъати деб юритилади) қарорлари, хулосалари устидан Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашига тақдимномалар киритади;

раис ўринbosарлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди аппаратининг ходимлари билан меҳнат шартномаларини тузади, ўзгартиради ва бекор қиласди;

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгashi билан келишилган ҳолда судларнинг тузилмаларига бошқарув ходимларининг умумий сони доирасида ўзгартиришлар киритади;

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг штат жадвалини тасдиқлайди;

буйруқлар ва фармойишлар қабул қиласди;

жисмоний шахсларни, юридик шахсларнинг вакилларини шахсан қабул қиласди ва уларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича ишларни ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси қонунга мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

31-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг биринчи ўринбосари, ўринбосарлари — судлов ҳайъатларининг раислари

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг биринчи ўринбосари, ўринбосарлари — судлов ҳайъатларининг раислари:

ишни кассация инстанцияси судида такроран кўриш зарурлиги хақидаги масалани ҳал этиш учун қонунда назарда тутилган тартибда суд ишларини талаб қилиб олади;

ишни кассация инстанцияси судида такроран кўриш тўғрисида қонунда назарда тутилган тартибда протест киритади;

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг тегишли судлов ҳайъатлари ишига раҳбарликни амалга оширади;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумига судлов ҳайъатлари фаолияти тўғрисидаги маърузаларни тақдим этади;

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг тегишли судлов ҳайъатлари мажлисларида раислик қиласди;

тегишли қўйи судлар фаолиятини ташкил этишга кўмаклашади;

суд амалиётини умумлаштириш, суд амалиёти обзорларини тайёрлаш ва суд статистикасини таҳлил қилиш бўйича ишларни ташкил этади;

судлар томонидан чиқарилган, ўзлари ишни кассация инстанцияси судида такроран кўриш тўғрисида протест киритишига ҳақли бўлган ҳал қилув қарорлари, хукмлар, ажримлар ва қарорлар ижросини тўхтатиб туради;

судьяларнинг ва суд аппарати ходимларининг малакасини ошириш бўйича ишларни ташкил этади;

жисмоний шахсларни ва юридик шахслар вакилларини шахсан қабул киласди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг биринчи ўринбосари, ўринбосарлари — судлов ҳайъатларининг раислари қонунга мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси йўқлигига унинг ваколатларини раиснинг биринчи ўринбосари, биринчи ўринбосар ҳам йўқлигига эса раис ўринбосарларидан бири амалга оширади.

3-боб. Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари

32-модда. Қорақалпоғистон Республикаси судининг, вилоят, Тошкент шаҳар судининг таркиби

Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоят, Тошкент шаҳар суди раис, раис ўринбосарлари — фуқаролик, жиноят ва иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатлари раислари, судьялар, шунингдек ҳалқ маслаҳатчиларидан иборат бўлади.

Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоят, Тошкент шаҳар суди қўйидаги таркибда иш юритади:

раёсат;

Фукаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати;
Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати;
Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати.

33-модда. Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоят, Тошкент шаҳар судининг ваколатлари

Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоят, Тошкент шаҳар суди:
ўз ваколатлари доирасида ишларни биринчи ва апелляция инстанцияси суди сифатида кўради;
туманлараро, туман, шаҳар судларининг судлов фаолияти устидан назоратни амалга оширади;
суд амалиёти ва суд статистикасини умумлаштиради, уларнинг тизими таҳлилини амалга оширади;
суд амалиёти обзорларини тайёрлайди;
судьялар ва суд аппарати ходимлари малакасини ошириш бўйича ишларни ташкил қиласди.

Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоят, Тошкент шаҳар суди қонунга мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

34-модда. Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоят, Тошкент шаҳар судининг раёсати

Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоят, Тошкент шаҳар суди раёсати шу суднинг судьяларидан иборат таркибда иш юритади.

Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоят, Тошкент шаҳар суди раёсати мажлислари заруриятга қараб, лекин ҳар ойда камида бир марта ўтказилади ва раёсат аъзоларининг кўпчилиги хозир бўлган тақдирда ваколатлидир.

Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоят, Тошкент шаҳар суди раёсатининг қарорлари овоз беришда иштирок этган раёсат аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади ва тегишли суднинг раиси томонидан имзоланади.

35-модда. Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоят, Тошкент шаҳар суди раёсатининг ваколатлари

Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоят, Тошкент шаҳар суди раёсати:

суд амалиётини умумлаштириш ва обзорлари, суд статистикаси таҳлили материаларини кўриб чиқади;

раис ўринбосарлари — судлов ҳайъатлари раисларининг судлов ҳайъатлари фаолияти ҳақидаги маъruzalарини эшитади;

туманлараро, туман, шаҳар судлари раисларининг шу судлар фаолияти тўғрисидаги ва қонунчиликни қўллаш амалиёти ҳақидаги маъruzalарини эшитади.

Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоят, Тошкент шаҳар суди раёсати қонунга мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

36-модда. Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоят, Тошкент шаҳар судининг судлов ҳайъатлари

Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоят, Тошкент шаҳар судининг судлов ҳайъатлари:

ўз ваколатлари доирасида ишларни биринчи инстанция бўйича кўради;
ишларни апелляция тартибида кўради;
суд амалиётини ўрганади ва умумлаштиради;
суд амалиёти обзорларини тайёрлайди;
суд статистикасини таҳлил қиласди.

Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоят, Тошкент шаҳар судининг судлов ҳайъатлари қонунга мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

37-модда. Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоят, Тошкент шаҳар суди раиси

Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоят, Тошкент шаҳар суди раиси:

суд фаолиятига ташкилий раҳбарликни амалга оширади;
суд раёсатини чақиради ва унинг мажлисларида раислик қиласди;
суд раёсатининг қарорлари бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш бўйича ишларни ташкил этади;
суд мажлисларида раислик қиласди;
куйи турувчи судларнинг фаолиятини ташкил этишга кўмаклашади;
судьяларнинг, суд аппарати ходимларининг ҳамда халқ маслаҳатчиларининг малакасини ошириш бўйича ишларини ташкил этади;
суд амалиётини умумлаштириш, суд амалиёти обзорларини тайёрлаш ва суд статистикасини юритиш ишини ташкил этади;
жисмоний шахсларни, юридик шахсларнинг вакилларини шахсан қабул қиласди ва уларнинг мурожаатларини кўриб чиқиши бўйича ишларни ташкил этади;
судьялар малака ҳайъати қарорлари, хулосалари устидан Судьялар олий малака ҳайъатига тақдимномалар киритади;
суднинг фуқаролар хукуқлари ва эркинликларини, шунингдек юридик шахсларнинг хукуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини суд орқали ҳимоя қилишни амалга оширишга доир фаолияти тўғрисида Қорақалпоғистон Республикаси Жўкори Кенгесига, халқ депутатлари вилоят, Тошкент шаҳар Кенгашига бир йилда камидан бир марта ахборот тақдим этади;
судьяларнинг аҳоли билан учрашувларини ташкил этади, шунингдек жамоатчиликни суднинг фаолияти тўғрисида оммавий ахборот воситалари орқали хабардор қилиб боради;
суд аппарати ишларига раҳбарлик қиласди, суд ходимлари билан меҳнат шартномаларини тузади ва бекор қиласди.

Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоят, Тошкент шаҳар суди раиси қонунга мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоят, Тошкент шаҳар суди раиси йўқлигига унинг ваколатлари Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси томонидан тегишли суд раисининг ўринбосарларидан бирининг зиммасига юклатилиши мумкин.

38-модда. Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоят, Тошкент шаҳар суди раисининг ўринбосари

Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоят, Тошкент шаҳар суди раисининг ўринбосари:

тегишли судлов ҳайъати ишини ташкил этади;

тегишли судлов ҳайъати мажлисларида раислик қилади;

суд раёсатига тегишли судлов ҳайъати фаолияти тўғрисида маърузалар тақдим этади;

жисмоний шахсларни, юридик шахсларнинг вакилларини шахсан қабул қиласди.

Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоят, Тошкент шаҳар суди раисининг ўринбосари қонунга мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, Тошкент шаҳар суди раисининг ўринбосари йўқлигига унинг ваколатлари ушбу суд раиси томонидан тегишли суд раисининг бошқа ўринбосари зиммасига юклатилиши мумкин.

4-боб. Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман, шаҳар суди. Жиноят ишлари бўйича туман, шаҳар суди.

Туманлараро, туман, шаҳар иқтисодий суди

39-модда. Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман, шаҳар судининг, жиноят ишлари бўйича туман, шаҳар судининг, туманлараро, туман, шаҳар иқтисодий судининг таркиби

Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман, шаҳар суди раис ва судьялардан иборат бўлади.

Жиноят ишлари бўйича туман, шаҳар суди раис, судьялар ва халқ маслаҳатчиларидан иборат бўлади.

Туманлараро, туман, шаҳар иқтисодий суди раис ва судьялардан иборат бўлади.

Таркиби олти судьядан ортиқ туманлараро, туман, шаҳар судида суд раисининг ўринбосари лавозими жорий этилади.

Бир таркибли туманлараро, туман, шаҳар суди суд раисидан иборат бўлади.

40-модда. Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман, шаҳар судининг, жиноят ишлари бўйича туман, шаҳар судининг, туманлараро, туман, шаҳар иқтисодий судининг ваколатлари

Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман, шаҳар суди қонун

билин ўзининг ваколатларига киритилган фуқаролик ишларини ва маъмурӣ хукуқбузарликлар тӯғрисидаги ишларни кўриб чиқади.

Жиноят ишлари бўйича туман, шаҳар суди жиноят ишларини ва маъмурӣ хукуқбузарликлар тӯғрисидаги ишларни, шунингдек қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш хақидаги ёхуд қамоқда сақлаш ёки уй қамоғи муддатини узайтириш тӯғрисидаги, айбланувчини лавозимидан четлаштириш хақидаги, шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тӯғрисидаги ёхуд айбланувчининг тиббий муассасада бўлиши муддатини узайтириш хақидаги, мурдани эксгумация қилиш тӯғрисидаги, почта-телеграф жўнатмаларини хатлаш хақидаги, амнистия актига асосан маҳкумни жазодан озод қилиш тӯғрисидаги илтимосномаларни ва қонун билан ўзининг ваколатлари доирасига киритилган бошқа ишларни кўриб чиқади.

Туманлараро, туман, шаҳар иқтисодий суди хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги фуқаролик-хукуқий муносабатларда юзага келадиган низоларни ва корпоратив низоларни, шунингдек қонун билан ўзининг ваколатлари доирасига киритилган маъмурӣ хукуқбузарликлар тӯғрисидаги ишларни кўриб чиқади.

41-модда. Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман, шаҳар суди, жиноят ишлари бўйича туман, шаҳар суди, туманлараро, туман, шаҳар иқтисодий суди раиси

Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман, шаҳар суди, жиноят ишлари бўйича туман, шаҳар суди, туманлараро, туман, шаҳар иқтисодий суди раиси:

суд мажлисларида раислик қиласи;

жисмоний шахсларни, юридик шахсларнинг вакилларини шахсан қабул қиласи ҳамда уларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича ишларни ташкил этади;

суднинг фуқаролар хукуқлари ва эркинликларини, шунингдек юридик шахсларнинг хукуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини суд орқали ҳимоя қилишни амалга оширишга доир фаолияти тӯғрисида тегишли ҳалқ депутатлари Кенгашига бир йилда камида бир марта ахборот тақдим этади;

судьяларнинг аҳоли билан учрашувларини ташкил этади, шунингдек жамоатчиликни суднинг фаолияти тӯғрисида оммавий ахборот воситалари орқали хабардор қилиб боради;

суд аппарати ишига раҳбарлик қиласи, суд аппарати ходимлари билан меҳнат шартномаларини тузади ва бекор қиласи.

Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман, шаҳар судининг, жиноят ишлари бўйича туман, шаҳар судининг, туманлараро, туман, шаҳар иқтисодий судининг раиси қонунга мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман, шаҳар суди, жиноят ишлари бўйича туман, шаҳар суди, туманлараро, туман, шаҳар иқтисодий

суди раиси йўқлигига унинг ваколатларини раис ўринбосари бажаради, у йўқлигига эса, суд раисининг ваколатлари Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоят, Тошкент шаҳар суди раиси томонидан тегишли суд судьяларидан бирининг зиммасига юклатилиши мумкин.

42-модда. Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман, шаҳар суди, жиноят ишлари бўйича туман, шаҳар суди, туманлараро, туман, шаҳар иқтисодий суди раисининг ўринбосари

Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман, шаҳар суди, жиноят ишлари бўйича туман, шаҳар суди, туманлараро, туман, шаҳар иқтисодий суди раисининг ўринбосари:

вазифалар тақсимотига мувофиқ суд аппарати ишига раҳбарликни амалга оширади;

суд мажлисларида раислик қилади;

жисмоний шахсларни, юридик шахсларнинг вакилларини шахсан қабул қилади;

суд раиси йўқлигига унинг вазифасини бажариб туради.

Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман, шаҳар суди, жиноят ишлари бўйича туман, шаҳар суди, туманлараро, туман, шаҳар иқтисодий суди раисининг ўринбосари қонунга мувофиқ бошқа ваколатларни хам амалга ошириши мумкин.

5-боб. Ҳарбий судлар

43-модда. Ҳарбий судлар тизими

Ўзбекистон Республикасининг ҳарбий судлари тизими Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди ва худудий ҳарбий судлардан иборатdir.

44-модда. Ҳарбий судларнинг таркиби

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди вилоят суди хукуқи асосида иш юритади хамда раис, раис ўринбосари, судьялар ва халқ маслаҳатчиларидан иборат бўлади.

Худудий ҳарбий судлар туман суди хукуқи асосида иш юритади ва раис, халқ маслаҳатчиларидан иборат бўлади.

45-модда. Ҳарбий судлар судловига тааллуқли ишлар

Ўзбекистон Республикаси ҳарбий судлари қўйидаги ишларни кўради:

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг, Давлат хавфсизлик хизматининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматининг, Миллий гвардиясининг, Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг, Ички ишлар вазирлиги қўшинларининг ва қонунчиликка мувофиқ ташкил этиладиган бошқа ҳарбий тузилмаларнинг ҳарбий хизматчилари, шунингдек ўқув йиғинларида бўлган вақтда ҳарбий хизматга мажбурлар томонидан содир этилган жиноятлар тўғрисидаги ишларни;

ҳарбий қисмлар, қўшилмалар ва бирлашмаларнинг, ҳарбий бошқарув органларининг қўмондонлигига нисбатан ҳарбий хизматчиларнинг даъволари бўйича фуқаролик ишларини ҳамда ҳарбий бошқарув органлари қарорлари, ҳарбий мансабдор шахсларнинг ҳарбий хизматчиларнинг хукуқ ва эркинликларини бузувчи хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоятларни;

алоҳида ҳолатлар туфайли судлар фаолият кўрсатмаётган жойларда барча фуқаролик ва жиноят ишларини;

қонун билан ўз ваколатига киритилган маъмурий хукуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни;

давлат сирларига тааллуқли ишларни.

Ўзбекистон Республикаси ҳарбий судлари қонунга мувофиқ бошқа ишларни ҳам кўриши мумкин.

46-модда. Ҳарбий судлар фаолиятини ташкил этиш

Ҳарбий судлар фаолиятини ташкил этиш ушбу Қонун билан тасдиқланадиган низомда белгиланади.

6-боб. Қорақалпоғистон Республикаси маъмурий суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари

47-модда. Қорақалпоғистон Республикаси маъмурий суди- нинг, вилоят, Тошкент шаҳар маъмурий судининг таркиби

Қорақалпоғистон Республикаси маъмурий суди, вилоят, Тошкент шаҳар маъмурий суди раис, раис ўринбосари, судьялардан иборат бўлади ҳамда раёсат ва судлов ҳайъатлари таркибида иш юритади.

48-модда. Қорақалпоғистон Республикаси маъмурий суди- нинг, вилоят, Тошкент шаҳар маъмурий судининг ваколатлари

Қорақалпоғистон Республикаси маъмурий суди, вилоят, Тошкент шаҳар маъмурий суди:

ўз ваколатлари доирасида ишларни биринчи ва апелляция инстанцияси суди сифатида кўради;

туманлараро маъмурий судларнинг судлов фаолияти устидан назоратни амалга оширади;

суд амалиёти ва суд статистикасини умумлаштиради, уларнинг тизимили таҳлилини амалга оширади;

суд амалиёти обзорларини тайёрлайди;

судьяларнинг ва суд аппарати ходимларининг малакасини ошириш бўйича ишларни ташкил этади.

Қорақалпоғистон Республикаси маъмурий суди, вилоят, Тошкент шаҳар маъмурий суди қонунга мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

49-модда. Қорақалпоғистон Республикаси маъмурий суди, вилоят, Тошкент шаҳар маъмурий судининг раёсати

Қорақалпоғистон Республикаси маъмурий судининг, вилоят, Тошкент шаҳар маъмурий судининг раёсати шу суд судьяларидан иборат таркибда иш юритади.

Қорақалпоғистон Республикаси маъмурий суди, вилоят, Тошкент шаҳар маъмурий суди раёсатининг мажлислари заруриятга қараб, лекин бир ойда камида бир марта ўтказилади ва раёсат аъзоларининг кўпчилиги хозир бўлган тақдирда ваколатлидир.

Қорақалпоғистон Республикаси маъмурий суди, вилоят, Тошкент шаҳар маъмурий суди раёсатининг қарорлари овоз беришда иштирок этган раёсат аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади ва тегишли суд раиси томонидан имзоланади.

50-модда. Қорақалпоғистон Республикаси маъмурий суди, вилоят, Тошкент шаҳар маъмурий судининг раёсати-нинг ваколатлари

Қорақалпоғистон Республикаси маъмурий суди, вилоят, Тошкент шаҳар маъмурий судининг раёсати:

суд амалиётини умумлаштириш ва обзорлари, суд статистикаси таҳлили материаларини кўриб чиқади;

судлов ҳайъати фаолияти тўғрисидаги маърузаларни эшигади;

туманлараро маъмурий судлар раисларининг қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисидаги маърузаларини эшигади.

Қорақалпоғистон Республикаси маъмурий судининг, вилоят, Тошкент шаҳар маъмурий судининг раёсати қонунга мувофик бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

51-модда. Қорақалпоғистон Республикаси маъмурий судининг, вилоят, Тошкент шаҳар маъмурий судининг судлов ҳайъати

Қорақалпоғистон Республикаси маъмурий судининг, вилоят, Тошкент шаҳар маъмурий судининг судлов ҳайъати:

ўз ваколатлари доирасида ишларни биринчи инстанция бўйича кўради;

ишларни апелляция тартибida кўради;

суд амалиётини ўрганади ва умумлаштиради;

суд амалиёти обзорларини тайёрлайди;

суд статистикасини таҳлил қиласди.

Қорақалпоғистон Республикаси маъмурий судининг, вилоят, Тошкент шаҳар маъмурий судининг судлов ҳайъати қонунга мувофик бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

52-модда. Қорақалпоғистон Республикаси маъмурий суди, вилоят, Тошкент шаҳар маъмурий суди раиси

Қорақалпоғистон Республикаси маъмурий суди, вилоят, Тошкент шаҳар маъмурий суди раиси:

суд фаолиятига ташкилий раҳбарликни амалга оширади;

суд раёсатини чақиради ва унинг мажлисларида раислик қилади;

суд раёсати қарорларининг бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш бўйича ишларни ташкил этади;

суд мажлисларида раислик қилади;

куйи турувчи судларнинг фаолиятини ташкил этишга кўмаклашади;

судьяларнинг ва суд аппарати ходимларининг малакасини ошириш бўйича ишларни ташкил этади;

суд амалиётини умумлаштириш, суд амалиёти обзорларини тайёрлаш ва суд статистикасини юритиш бўйича ишларни ташкил этади;

жисмоний шахсларни, юридик шахсларнинг вакилларини шахсан қабул қилади ва уларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича ишларни ташкил этади;

судьялар малака ҳайъати қарорлари, хулосалари устидан Судьялар олий малака ҳайъатига тақдимномалар киритади;

суднинг фуқаролар хуқуқлари ва эркинликларини, шунингдек юридик шахсларнинг хуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини суд орқали ҳимоя қилишни амалга оширишга доир фаолияти тўғрисида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, ҳалқ депутатлари вилоят, Тошкент шаҳар Кенгашига бир йилда камида бир марта ахборот тақдим этади;

судьяларнинг ахоли билан учрашувларини ташкил этади, шунингдек жамоатчиликни суднинг фаолияти тўғрисида оммавий ахборот воситалари орқали хабардор қилиб боради;

суд аппарати ишларига раҳбарлик қилади, суд аппарати ходимлари билан меҳнат шартномаларини тузади ва бекор қилади.

Қорақалпоғистон Республикаси маъмурий суди, вилоят, Тошкент шаҳар маъмурий суди раиси йўқлигига унинг ваколатлари Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси томонидан тегишли суднинг раис ўринбосари зими масига юклатилиши мумкин.

Қорақалпоғистон Республикаси маъмурий суди, вилоят, Тошкент шаҳар маъмурий суди раиси қонунга мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

53-модда. Қорақалпоғистон Республикаси маъмурий суди, вилоят, Тошкент шаҳар маъмурий суди раисининг ўринбосари

Қорақалпоғистон Республикаси маъмурий суди, вилоят, Тошкент шаҳар маъмурий суди раисининг ўринбосари:

судлов ҳайъати ишини ташкил этади;

судлов ҳайъати мажлисларида раислик қилади;

суд раёсатига судлов ҳайъатининг фаолияти тўғрисида маърузалар тақдим этади;

жисмоний шахсларни, юридик шахсларнинг вакилларини шахсан қабул қиласди;

суд раиси йўқлигига унинг ваколатларини амалга оширади.

Қорақалпогистон Республикаси маъмурий суди, вилоят, Тошкент шаҳар маъмурий суди раисининг ўринбосари қонунга мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Қорақалпогистон Республикаси маъмурий суди, вилоят, Тошкент шаҳар маъмурий суди раисининг ўринбосари йўқлигига унинг ваколатлари Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси томонидан тегишли суд судьяларидан бирининг зиммасига юклатилиши мумкин.

7-боб. Туманлараро маъмурий суд

54-модда. Туманлараро маъмурий суднинг таркиби

Туманлараро маъмурий суд раис ва судьялардан иборат бўлади.

Таркиби олти нафар судьядан ортиқ бўлган туманлараро маъмурий судда раис ўринбосари лавозими жорий этилади.

55-модда. Туманлараро маъмурий суднинг ваколатлари

Туманлараро маъмурий суд давлат органларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг хатти-хараткалари (харакатсизлиги) устидан берилган, оммавий-хукуқий муносабатлардан келиб чиқадиган шикоятлар ва аризалар бўйича маъмурий низоларни, шунингдек қонун билан ўз ваколатига киритилган бошқа ишларни кўриб чиқади.

56-модда. Туманлараро маъмурий суд раиси

Туманлараро маъмурий суд раиси:

суд мажлислирида раислик қиласди;

жисмоний шахсларни, юридик шахсларнинг вакилларини шахсан қабул қиласди ва уларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича ишларни ташкил этади;

суднинг фуқаролар хукуқлари ва эркинликларини, шунингдек корхоналар, муассасалар ҳамда ташкилотларнинг хукуқлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини суд орқали ҳимоя қилишни амалга оширишга доир фаолияти тўғрисида тегишли халқ депутатлари Кенгашига бир йилда камида бир марта ахборот тақдим этади;

судьяларнинг аҳоли билан учрашувларини ташкил этади, шунингдек жамоатчиликни суднинг фаолияти тўғрисида оммавий ахборот воситалари орқали хабардор қилиб боради;

суд аппарати ишига раҳбарлик қиласди, суд ходимлари билан меҳнат шартномаларини тузади ва бекор қиласди.

Туманлараро маъмурий суд раиси қонунга мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Туманлараро маъмурий суд раиси йўқлигига унинг ваколатларини раис ўринбосари бажаради, у йўқлигига эса суд раисининг ваколатлари Қорақалпоғистон Республикаси маъмурий суди, вилоят, Тошкент шаҳар маъмурий суди раиси томонидан тегишли суд судьяларидан бирининг зиммасига юклатилиши мумкин.

57-модда. Туманлараро маъмурий суд раисининг ўринбосари

Туманлараро маъмурий суд раисининг ўринбосари:
вазифалар тақсимотига мувофиқ суд аппарати ишига раҳбарликни амалга оширади;

суд мажлисларида раислик қилади;
жисмоний шахсларни, юридик шахсларнинг вакилларини шахсан қабул қилади;

суд раиси йўқлигига унинг ваколатларини амалга оширади.

Туманлараро маъмурий суд раисининг ўринбосари қонунга мувофик бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

8-боб. Судьяларнинг мақоми, уларнинг хуқуқ ва мажбуриятлари

58-модда. Судьялар

Ўзбекистон Республикасида судьялар қонунга мувофиқ одил судловни амалга оширишга ваколат берилган шахслардир.

Ўзбекистон Республикасида барча судьялар бир хил мақомга эга.

Судлар раислари, раис ўринбосарлари айни вақтда судьялардир.

Судьяларга малака даражалари берилади. Судьяларга малака даражаларини белгилаш ва бериш тартиби ушбу Қонун билан тасдиқланадиган низомда аниқланади.

59-модда. Халқ маслаҳатчилари

Ўттиз беш ёшдан кичик бўлмаган, фуқароларнинг яшаш ёки иш жойидаги йиғилишида очиқ овоз бериш йўли билан икки ярим йил муддатга сайланган Ўзбекистон Республикаси фуқароси халқ маслаҳатчиси бўлиши мумкин.

Ҳақиқий ҳарбий хизматни ўтаётган, сайлов кунида ўттиз беш ёшга тўлган, ҳарбий қисмлар ҳарбий хизматчиларининг йиғилишларида очиқ овоз бериш йўли билан икки ярим йил муддатга сайланган Ўзбекистон Республикаси фуқароси ҳарбий суднинг халқ маслаҳатчиси бўлиши мумкин.

Ҳар бир суд учун халқ маслаҳатчилари сони судьяларнинг тегишли малака ҳайъатлари томонидан белгиланади.

Халқ маслаҳатчилари одил судловни амалга оширишда судьянинг хуқуқларидан фойдаланади.

Халқ маслаҳатчилари судлардаги ўз вазифаларини бажаришга бир йилда кўпи билан икки ҳафтага навбатма-навбат чақирилади, бундан уларнинг иштирокида бошланган суд ишини кўришни тугаллаш зарурати бу муддат-

ни узайтиришни тақозо этган ҳоллар мустасно. Шу даврда уларнинг иш жойидаги ўртача иш ҳақи сақланиб қолади.

60-модда. Судъяниңг қасамёди

Илк бор судьялик лавозимига сайланган ёки тайинланган шахс қўйидаги мазмунда қасамёд қиласди:

«Зиммамга юклатилган вазифаларни ҳалол ва вижданан бажаришга, одил судловни фақат қонунга бўйсунган ҳолда амалга оширишга, судьялик бурчим ва виждоним буюрганидек беғараз, холис ва адолатли бўлишга тантанали қасамёд қиласман».

Судья Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи олдида, Қорақалпоғистон Республикасида эса Қорақалпоғистон Республикаси Давлат байроғи олдида ҳам тантанали вазиятда қасамёд қиласди.

Судьялар Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми мажлисида қасамёд қиласди.

Қорақалпоғистон Республикаси судларининг судьялари тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси суди ва Қорақалпоғистон Республикаси маъмурий суди раёсати мажлисида қасамёд қиласди.

Илк бор лавозимга сайланган ёки тайинланган судья ўз ваколатларини амалга оширишга қасамёд қилганидан кейин киришади.

61-модда. Судъяниңг ҳуқуқлари

Судья қўйидаги ҳуқуқларга эга:

mansabdor шахслар ва фуқаролардан одил судловни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган ўз фармойишларининг бажарилишини талаб қилиш;

mansabdor ва бошқа шахслардан одил судловни амалга ошириш учун зарур бўлган ахборотни олиш;

одил судловни амалга ошириш учун зарур бўлган маълумотларни давлат органларининг ва бошқа ташкилотларнинг ахборот тизимларидан бепул асосда олиш ҳамда шахсга доир маълумотлар мавжуд ахборот тизимларидан фойдаланиш, шу жумладан масофадан туриб фойдаланиш;

давлат органларининг, шунингдек бошқа ташкилотларнинг ахборот тизимларидан одил судловни амалга ошириш учун зарур бўлган шахсга доир маълумотларни фуқароларнинг ёзма розилигисиз бепул асосда олиш;

судьялар ҳамжамияти органларини шакллантиришда ва улар фаолиятида иштирок этиш;

уюшмаларга бирлашиш.

Судья қонунга мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Давлат органлари, mansabdor шахслар, жамоат бирлашмалари, бошқа юридик ва жисмоний шахслар судъяниңг одил судловни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган талаблари ҳамда фармойишларини сўзсиз бажариши шарт. Судъяниңг талаблари ва фармойишларини бажармаслик қонунда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

62-модда. Судьянинг мажбуриятлари

Судья:

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонуларига оғишмай риоя этиши;

фуқароларнинг ҳуқук ва эркинликлари, шаъни, қадр-қиммати ҳамда молмулки, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуклари ҳамда қонун билан кўриқланадиган манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаши;

ўз ваколатларини амалга оширишда, шунингдек хизматдан ташқари муносабатларда Судьялик одоби кодекси талабларига риоя этиши, суд хокимияти обрўсини, судьянинг шаъни ва қадр-қимматини тушириши ёки унинг беғаразлиги, холислиги ва адолатлилигига шубҳа туғдириши мумкин бўлган ҳар қандай хатти-харакатдан ўзини тийиши;

коррупциянинг ҳар қандай кўринишларига ва одил судловни амалга ошириш бўйича фаолиятигарайриқонуний аралашибга уринишларга қаршилик кўрсатиши ҳамда бундай ҳолатлар аниқланган тақдирда бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашига хабар қилиши;

суд процесси иштирокчиларини хурмат қилиши;

ўз малакасини судьялик ваколатларини бажариш учун зарур бўлган даражада сақлаб туриши;

манфаатлар тўқнашуви юзага келган тақдирда ўзини ўзи рад қилиши ва суд процесси иштирокчиларини хабардор қилиши шарт.

Судья:

судьялар маслаҳатлашуви сирини ва ёпиқ суд мажлисларини ўтказиш чоғида олинган маълумотларни ошкор қилишга;

сенатор, давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутати бўлишга;

сиёсий партия аъзоси бўлишга, уни моддий жихатдан кўллаб-куватлашга, сиёсий партияларнинг тадбирларида иштирок этишга, бошқа сиёсий фаолият билан шуғуланишга;

ҳақ тўланадиган бошқа фаолият билан шуғуланишга, бундан судьянинг вазифаларини бажаришга тўқсинглик қилмайдиган педагогик, илмий ва бошқа ижодий фаолият мустасно;

шахсан ёки ишончли шахслар орқали тадбиркорлик фаолияти билан шуғуланишга, шу жумладан хўжалик юритувчи субъектни бошқаришда, унинг ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, иштирок этишга;

Ўзбекистон Республикаси худудидан ташқаридан жойлашган чет эл банкларида ҳисобвараклар (омонатлар) очишига ва уларга эга бўлишга, накд пул маблағларини ҳамда қимматликларни сақлашга. Бундай чеклов судьянинг эрига (хотинига) ва вояга етмаган фарзандларига нисбатан ҳам амал қиласди;

жисмоний ёки юридик шахсларнинг ишлари бўйича судда вакил бўлишга (қонуний вакиллик ҳоллари бундан мустасно);

судда кўриб чиқилаётган масала юзасидан суд хужжати қонуний кучга киргунга қадар ошкора мулоҳазалар билдиришга;

конунга мувофиқ махфий ахборот жумласига киритилган, судьялик ваколатларини амалга ошириши муносабати билан ўзига маълум бўлиб

қолган маълумотларни судьялик ваколатларини амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган мақсадларда ошкор қилишга ёки фойдаланишга ҳақли эмас.

Судьянинг зиммасида қонунга мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

9-боб. Судьялар мустақиллигининг асосий кафолатлари

63-модда. Судьяларнинг мустақиллигини таъминлаш

Судьяларнинг мустақиллиги қўйидагилар орқали таъминланади:

уларни қонунда белгиланган тартибда лавозимга сайдаш, тайинлаш, судьялик ваколатларини тўхтатиб туриш ва тугатиш;

судьянинг дахлсизлиги;

одил судловни амалга оширишдаги қатъий тартиб-таомил;

қарорларни чиқариш чоғида судьялар маслаҳатлашувининг сир тутилиши ва уни ошкор қилишни талаб этишнинг тақиқланиши;

судьяга ҳурматсизлик қилганлик, одил судловни амалга ошириш бўйича фаолиятга аралашганлик ва судьянинг дахлсизлигини бузганлик учун қонунда белгиланган жавобгарлик;

судьяга давлат ҳисобидан унинг юксак мақомига муносиб моддий ва ижтимоий таъминот бериш.

Судьянинг мустақиллигини чеклайдиган қонунчилик ҳужжатлари қабул қилишга йўл қўйилмайди.

Судья, унинг оила аъзолари ва уларнинг мол-мулки давлатнинг алоҳида ҳимоясида бўлади.

64-модда. Судьянинг дахлсизлиги

Судьянинг шахси дахлсиз. Судьянинг дахлсизлиги унинг турар жойига, хизмат хонасига, у фойдаланадиган транспорт воситаси ва алоқа воситаларига, хат-хабарларига, унга тегишли ашёлар ва ҳужжатларга таалуклиdir.

Судьяларнинг шахсий хавфсизлигини таъминлаш мақсадларида уларга Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси томонидан белгиланадиган рўйхат бўйича сақлаш, олиб юриш ва ундан фойдаланиш хуқуқи билан хизмат қуроли ҳамда шахсий ҳимоя воситалари берилади. Зарур ҳолларда тегишли суд раисининг қарорига биноан ички ишлар органи судья ва унинг оиласи учун қуроли соқчилар ажратади.

Судьяга нисбатан жиноят иши фақат Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан кўзғатилиши мумкин.

Судья Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг хулосаси олинмасдан ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг розилигисиз жиноий жавобгарликка тортилиши, қамоққа олиниши мумкин эмас.

Судья тегишли судьялар малака хайъатининг хулосаси олинмасдан маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгashi раисининг судьялар

дахлсизлигини бузганлик ва уларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига аралашганлик фактлари тўғрисидаги тақдимномаси прокуратура органлари томонидан бир ой муддатда кўриб чиқилади. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси қўрсатилган фактлар бўйича жиноят иши қўзғатилганлиги ёки қўзғатилиши рад этилганлиги ҳакида Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашига хабар беради.

Судьяни хукукни муҳофаза қилувчи органларга гувоҳ ёки гумон қилинувчи сифатида сўрок қилиш учун чақиришга фақат тегишли судьялар малака ҳайъатининг розилиги билан йўл қўйилади.

Судьяга нисбатан қамоқقا олиш тарзидаги эҳтиёт чораси фақат унга нисбатан ўта оғир жиноят ёки одам ўлимига сабаб бўлган қасдан бошқа жиноят содир этганликда айб қўйилган ҳолларда қўлланилиши мумкин. Мазкур қоида судья сифатида ишлаган даврида шундай жиноят содир этганликда айбланаётган собиқ судьяга нисбатан ҳам қўлланилади.

Судья хуқукбузарлик содир этганликда гумон қилиниб ушлаб турилган тақдирда, бу ҳақда ушлаб туриш учун асос бўлган ҳужжатлар кўчирма нусхалари илова қилинган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашига у ушланган пайтдан эътиборан уч соатдан кечиктирмасдан хабар қилиниши шарт.

Судьянинг турар жойига ёки хизмат хонасига, фойдаланадиган транспортiga кириш, уларни кўздан кечириш, уларда тинтuv ўтказиш ёки улардан ашёни олиш, унинг телефондаги сўзлашувларини эшитиш, судьяни шахсан кўздан кечириш ва уни шахсий тинтuv қилиш, шунингдек унинг хат-хабарларини, унга тегишли ашёлар ва ҳужжатларни кўздан кечириш, олиб қўйиш ёхуд олиш фақат суднинг қарорига биноан ёки Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг рухсати билан амалга оширилиши мумкин.

Судьяга нисбатан жиноят иши Ўзбекистон Республикаси Олий суди судловига тегишилдири.

Судда ўз вазифаларини бажараётган даврда халқ маслаҳатчиларига судьялар дахлсизлигининг барча кафолатлари татбиқ этилади.

65-модда. Судьяга ҳурматсизлик қилганлик учун жавобгарлик

Давлат органлари ва бошқа органлар, корхоналар, муассасалар ҳамда ташкилотлар, мансабдор шахслар, фуқаролар судьяларни ҳурмат қилиши ва уларнинг мустақиллиги принципига риоя этиши шарт.

Судьяга ҳурматсизлик қилиш, худди шунингдек уни очикдан-очик менсимасликдан далолат берувчи хатти-харакатлар қилиш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

66-модда. Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига аралашибашга йўл қўйилмаслиги

Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига аралашибашга йўл қўйилмайди.

Муайян ишни ҳар томонлама, тўла ва холисона кўриб чиқишга тўскин-

лик қилиш ёки ғайриконуний суд хужжати чиқарилишига эришиш мақсадида судьяларга қандай бўлмасин таъсир кўрсатиш қонунга мувофиқ жиной жавобгарликка сабаб бўлади.

Судьядан кўрилган ёки иш юритишидаги ишлар моҳияти бўйича бирон-бир тушунтиришлар беришни талаб қилиш, шунингдек қонунда назарда тутилган ҳоллардан ва тартибдан ташқари, кимга бўлмасин, танишиб чиқиши учун ишларни тақдим этиш тақиқланади.

Оммавий ахборот воситалари ўз хабарларида муайян иш юзасидан суд мухокамаси натижаларини олдиндан ўзича ҳал қилиб қўйишига ёки судга қандай шаклда бўлмасин таъсир кўрсатишга ҳақли эмас.

10-боб. Судьяларни сайлаш ва тайинлаш

67-модда. Судьялик лавозимига номзодга қўйиладиган талаблар

Ўттиз беш ёшга тўлган, олий юридик маълумотга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси судьялик лавозимига номзод бўлиши мумкин.

Қўйидагилар судьялик лавозимига номзод бўлиши мумкин эмас:
жиноят содир этганлиқда айбланаётган шахс;

илгари судланган ёки ўзига нисбатан жиноят иши реабилитация қилмайдиган асослар бўйича тутатилган шахс;

чет давлат фуқаролигига эга бўлган ёки чет давлат худудида доимий яшаш хукуқини тасдиқловчи яшаш гувоҳномасига ёхуд бошқа хужжатга эга бўлган шахс;

суд томонидан муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб эътироф этилган шахс;

психиатрия ёки наркология муассасаларида хисобда турган шахс;

судьянинг ваколатларини амалга оширишга тўқсқинлик қиласидиган бошқа касалликка чалинган шахс.

68-модда. Судьялик лавозимига сайланадиган, тайинланадиган шахсларга қўйиладиган талаблар

Ушбу Қонуннинг 67-моддаси талабларига жавоб берадиган, юридик ихтисослик бўйича камидан ўн беш йиллик иш стажига, шу жумладан, қоида тариқасида, судья сифатида камидан етти йиллик иш стажига эга бўлган шахс Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг, Қорақалпогистон Республикаси судининг, Қорақалпогистон Республикаси маъмурий судининг, вилоят, Тошкент шаҳар судининг, вилоят, Тошкент шаҳар маъмурий судининг судьяси бўлиши мумкин.

Ушбу Қонуннинг 67-моддаси талабларига жавоб берадиган, юридик ихтисослик бўйича камидан ўн йиллик иш стажига, шу жумладан, қоида тариқасида, судья сифатида камидан икки йиллик иш стажига эга бўлган шахс Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг, Қорақалпогистон Республикаси судининг, Қорақалпогистон Республикаси маъмурий судининг, вилоят, Тошкент шаҳар судининг, вилоят, Тошкент шаҳар маъмурий судининг судьяси бўлиши мумкин.

Ушбу Қонуннинг 67-моддаси талабларига жавоб берадиган, ўттиз беш

ёшга тўлган ва юридик ихтисослик бўйича камида етти йиллик иш стажига эга бўлган шахс туманлараро, туман, шаҳар судининг, худудий ҳарбий суднинг судьяси бўлиши мумкин.

Илк бор судьялик лавозимига тайинланадиган номзодлар Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгashi хузуридаги Судьялар олий мактабида мажбурий тартибда ўқиши шарт. Ўқиши даврида улар асосий иш жойи бўйича ўртача ойлик иш ҳақи сақланмаган ҳолда меҳнат мажбуриятлари ни бажаришдан озод этилади, бироқ ўқишининг бутун даврида иш жойи (лавозими) сақланади.

69-модда. Судьяларни сайлаш ва тайинлаш тартиби

Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяси Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг тавсияси асосида Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати томонидан сайланади.

Вилоят, Тошкент шаҳар суди, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди, вилоят, Тошкент шаҳар маъмурий суди, туманлараро, туман, шаҳар суди, худудий ҳарбий суд судьяси Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгashi томонидан лавозимга тайинланади.

Қорақалпоғистон Республикаси суди, Қорақалпоғистон Республикаси маъмурий суди, Қорақалпоғистон Республикаси туманлараро, туман, шаҳар суди судьяси Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг тақдимномасига биноан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси томонидан лавозимга тайинланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланадиган ёки келишиб олинадиган лавозимларда фаолият юритаётган ва бенуксон обрў-эътиборга эга бўлган шахслар, истисно тариқасида, Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгashi хузуридаги Судьялар олий мактабида мажбурий тартибда ўқитилмаган ҳолда илк бор судьялик лавозимларига тайинланиши мумкин.

Судьяни лавозимга тайинлаш тегишли судьялар малака ҳайъатининг хулосаси инобатга олинган ҳолда амалга оширилади.

70-модда. Суд раисини, раис ўринбосарини лавозимга сайлаш ва тайинлаш тартиби

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг биринчи ўринбосари, раис ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси Олий суди судлов ҳайъатининг раиси Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати томонидан сайланади.

Вилоят, Тошкент шаҳар суди, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди, вилоят, Тошкент шаҳар маъмурий суди раиси, раис ўринбосари, Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикасининг Президенти томонидан лавозимга тайинланади.

Қорақалпоғистон Республикаси суди, Қорақалпоғистон Республикаси маъмурий суди раиси, раис ўринбосари Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг Ўзбекистон Республикасининг Президенти билан келишиб олинган хуносаси асосида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раисининг тақдимномасига биноан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси томонидан сайланади.

Қорақалпоғистон Республикаси туманларарабо, туман, шахар суди раиси, раис ўринбосари Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг тақдимномасига биноан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси томонидан тайинланади.

Туманларарабо, туман, шахар суди, худудий ҳарбий суд раиси, раис ўринбосари Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгashi томонидан лавозимга тайинланади.

71-модда. Судьянинг ваколатлари муддати ва уни ҳисоблаш тартиби

Судья биринчи марта беш йиллик муддатга, навбатдаги ўн йиллик муддатга ва лавозимда бўлишнинг муддатсиз даврига белгиланган тартибда сайланади ёки тайинланади.

Судьянинг ваколатлари муддати унинг судьялик лавозимида бўлган умумий стажидан келиб чиқсан ҳолда ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяси лавозимида бўлишнинг энг юқори ёши етмиш ёшни, бошқа судлар судьялари учун — олтмиш беш ёшни ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяси лавозимида бўлишнинг энг юқори ёши ўзининг розилиги билан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан беш йилгача, бошқа судлар судьясининг ёши эса Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгashi томонидан худди шундай беш йилгача узайтирилиши мумкин.

Судья қонунчиликка мувофиқ пенсияга чиқиш хуқуқини сақлаб қолади.

72-модда. Суд раиси, раис ўринбосарининг ваколатлари муддати

Суд раиси, раис ўринбосарининг ваколатлари муддати беш йил.

Шахс айни бир судда кетма-кет икки муддатдан ортиқ раис, раис ўринбосари лавозимини эгаллаб туриши мумкин эмас.

Суд раиси, раис ўринбосари ваколатлари у сайланган ёки тайинланган муддат ўтгач тугайди.

Суд раиси, раис ўринбосарининг ваколатлари муддати ўтганлиги ёки у томонидан эгаллаб турган лавозимидан озод этиш ҳақида ариза берганлиги муносабати билан тугаган тақдирда, унинг судьялик ваколатлари сақланиб қолади ва у шу кундан бошлаб судьялик лавозимида ишни давом эттиради, мазкур судда бўш турган судьялик лавозими бўлмаган тақдирда, ўзининг розилиги билан судьялик ваколатларининг қолган муддатига бошқа судга судьялик лавозимига ўтказилади.

73-модда. Судьяни бошқа судьялик лавозимига ўтказиш тартиби

Судья ваколатлари муддати даврида ўзининг розилиги билан Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши томонидан бошқа судьялик лавозимига ўтказилиши мумкин.

Корақалпоғистон Республикаси суди, Коракалпоғистон Республикаси маъмурий суди судьяси, Коракалпоғистон Республикаси туманларапо, туман (шаҳар) суди раиси, раис ўринбосари, судьяси ваколат муддати даврида ўзининг розилиги билан Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тақдимномасига биноан Коракалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси томонидан бошқа судьялик лавозимига ўтказилиши мумкин.

Бир суднинг ўзида судьялик лавозимида бўлиш муддати, қоида тарикасида, икки йилдан кам бўлмаслиги керак.

Судьяни бошқа судьялик лавозимига ўтказиш тўғрисидаги масала Судьялар олий малака ҳайъати хуносасига биноан Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашига кўриб чиқиш учун киритилади.

11-боб. Судьяларнинг интизомий жавобгарлиги

74-модда. Судьялар интизомий жавобгарлигининг асослари

Судья фақат тегишли судьялар малака ҳайъати қарорига биноан қўйидаги холларда интизомий жавобгарликка тортилиши мумкин:

одил судловни амалга ошириш чоғида қонунийликни бузганлиги учун;
суд ишини ташкил этишда бепарволиги ёки интизомсизлиги оқибатида йўл қўйган камчиликлари учун;

судьялик шаъни ва қадр-кимматига доғ туширадиган ҳамда суднинг обрўсини туширадиган ножӯя хатти-ҳаракат содир этганлиги учун;

Судьялар одоби кодекси талабларини бузганлиги учун.

Суд қарорининг бекор қилиниши ёки ўзгартирилишининг ўзи, суд қарорини чиқаришда қатнашган судьянинг, агар у атайлаб қонун бузилишига ёки жиддий оқибатларга олиб келган виждонсизликка йўл қўймаган бўлса, жавобгар бўлишига сабаб бўлмайди.

Агар интизомий жазо чоралари берилганидан кейин бир йил мобайнида судья ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган харакатларни содир этмаса, у интизомий жавобгарликка тортилмаган деб хисобланади.

Судьяларни интизомий жавобгарликка тортиш тартиби қонун билан тасдиқланадиган низомда белгиланади.

75-модда. Судьяга нисбатан интизомий иш қўзғатиши

Судьяга нисбатан интизомий иш тегишли судьялар малака ҳайъати томонидан судья ушбу Конун 74-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган харакатларни содир этилгани тўғрисидаги ариза ёки хабар бўйича ўтказилган хизмат текшируви натижаларига кўра қўзғатилиши мумкин.

76-модда. Судьяга нисбатан қўлланиладиган интизомий жазо чоралари

Судьяларнинг малака ҳайъати интизомий жавобгарликка тортилган судьяга қўйидаги интизомий жазо чораларидан бирини қўллаши мумкин:
огоҳлантириш;

хайфсан;

ўртача ойлик иш хақининг ўттиз фоизидан ортиқ бўлмаган микдорда жарима;

малака даражасини бир погонага пасайтириш;

ваколатларини муддатидан илгари тугатиш.

Интизомий жазо чоралари қўлланилаётганида қоидабузарликнинг хусусияти ва оқибатлари, ножӯя хатти-ҳаракатнинг оғир-енгиллиги, судьянинг шахси, айборлик даражаси инобатга олинади.

77-модда. Интизомий жазо чораларини қўллаш тўғрисидаги қарор устидан шикоят қилиш

Судьялар малака ҳайъатининг интизомий жазо чораларини қўллаш тўғрисидаги қарори устидан Судьялар олий малака ҳайъатига шикоят қилиш мумкин.

Судьялар олий малака ҳайъатининг қарори устидан Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашига шикоят бериш мумкин.

12-боб. Судьянинг ваколатларини тўхтатиб туриш ва тугатиш

78-модда. Судьянинг ваколатларини тўхтатиб туриш

Судьянинг ваколатлари тегишли судьялар малака ҳайъати қарори билан қўйидаги ҳолларда тўхтатиб турилади, агар:

судья ўз лавозимига зид фаолият билан шуғулланаётган бўлса;

судьяга нисбатан тиббий ўйсингдаги мажбурлов чоралари қўлланилган бўлса;

судья суднинг ҳал қилув қарори билан бедарак йўқолган деб топилган бўлса;

судьяга нисбатан жиноят иши қўзғатилган бўлса;

судья давлат ҳокимияти вакиллик органлари сайловида депутатликка номзод сифатида иштирок этаётган бўлса.

Судьянинг ваколатлари уларни тўхтатиб туришга сабаб бўлган асослар бекор бўлгунга қадар тўхтатиб турилади.

Судья қонунда белгиланган тартибда тегишли судьялар малака ҳайъати қарори устидан шикоят қилишга хақли.

Судьянинг ваколатлари тўхтатиб турилиши унга иш ҳақи тўлашни тўхтатишга ёки иш ҳақи микдорини камайтиришга, унинг таъминоти даражасини пасайтиришга ва судьяни ушбу Қонунда белгиланган дахлсизлик кафолатларидан маҳрум қилишга сабаб бўлмайди, бундан эҳтиёт чораси сифатида судьяга нисбатан қамоққа олиш чораси танланган ҳоллар мустасно.

Судьянинг ваколатларини қайта тиклаш тўғрисидаги қарор судьянинг

ваколатларини тўхтатиб турган тегишли судьялар малака ҳайъати томонидан қабул қилинади.

79-модда. Судьянинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш

Судьянинг ваколатлари қўйидаги холларда муддатидан илгари тугатилади:

- 1) у судьянинг қасамёдини бузган тақдирда;
- 2) у ёзма ариза берган тақдирда;
- 3) тегишли судьялар малака ҳайъати томонидан огохлантириш қилинганидан ёки ваколатлари тўхтатилганидан кейин у судьялик лавозимига зид фаолият билан шуғулланишни давом эттираверган тақдирда;
- 4) у суд томонидан муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган тақдирда;
- 5) у Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигидан чиққан ёки уни йўқотган тақдирда;
- 6) унга нисбатан суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирган тақдирда;
- 7) у вафот этганда ёки суднинг қарори билан вафот этган деб эълон килинган тақдирда;
- 8) соғлигининг холатига ёки бошқа узрли сабабларга кўра у узок вақт мобайнида судьялик вазифасини бажаришга кодир бўлмай қолган тақдирда;
- 9) суд раисининг ваколат муддати тугаши муносабати билан, агар у бошқа судьялик лавозимига ўтишга розилик бермаса;
- 10) судья томонидан тегишли судьялар малака ҳайъатининг қарори билан судьяга ваколатларини тугатиш тарзидаги интизомий жазо чораси қўлланилишига сабаб бўлган, ушбу Конун 74-моддасининг биринчи қисмida назарда тутилган харакатлар содир этилганда.

Ушбу моддада назарда тутилган асослар мавжуд бўлган тақдирда:

Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьясининг ваколатлари — Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати томонидан;

вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди раисининг ва раис ўринбосарининг ваколатлари — Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан;

вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди судьясининг, туманлараро, туман, шаҳар судлари, ҳарбий судлар раисининг ва судьясининг ваколатлари — тегишли судьялар малака ҳайъати холосасига кўра Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши томонидан;

Корақалпоғистон Республикаси суди, Корақалпоғистон Республикаси маъмурий суди, туманлараро, туман, шаҳар судлари судьясининг ваколат-

лари — Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг хуносаси асосида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси киритган тақдимномага биноан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси томонидан муддатидан илгари тугатилади.

Судьянинг ваколатларини ушбу модда биринчи қисмининг 1, 3, 8 ва 10-бандларида назарда тутилган ҳолларда тегишли судьялар малака ҳайъати қарори асосида муддатидан илгари тугатишга йўл қўйилади.

Судья тегишли судьялар малака ҳайъати қарори устидан қонунда белгиланган тартибда шикоят қилишга ҳақли.

Халқ маслаҳатчиларининг ваколатлари ушбу мудданинг биринчи қисмида кўрсатилган асослар бўйича муддатидан илгари тугатилади, бундан ушбу модда биринчи қисмининг 1, 3, 9 ва 10-бандларида кўрсатиб ўтилган асослар мустасно.

80-модда. Судьялар малака ҳайъатлари

Судьялар малака ҳайъатлари қўйидаги масалаларни кўриб чиқиши учун тузилади:

судьянинг интизомий жавобгарлиги;

судьянинг ваколатларини тўхтатиб туриш ёки муддатидан илгари тугатиш;

судьянинг дахлсизлигини таъминлаш;

судьяга малака даражасини бериш;

халқ маслаҳатчиларини танлаш ва уларнинг сайловини ўтказиш бўйича ишларни ташкил қилиш;

судьянинг қасамёди ва Судьялар одоби кодексига риоя этилиши устидан назорат қилиш.

Судьялар малака ҳайъатлари Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришида унга кўмаклашади.

Судьялар олий малака ҳайъати Ўзбекистон Республикаси судьялари курултойи томонидан беш йил муддатга сайланади.

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари судьяларининг малака ҳайъатлари тегишли судлар судьяларининг конференцияларида беш йил муддатга сайланади.

Судьялар малака ҳайъатларининг фаолиятини ташкил этиш тартиби қонун билан тасдиқланадиган низомда белгиланади.

13-боб. Судьяларнинг ва улар оила аъзоларининг моддий ҳамда ижтимоий таъминоти

81-модда. Судьяларнинг моддий таъминоти

Судьянинг иш ҳақи қонунчиликда белгиланган миқдорларда ва республика бюджети маблағлари хисобидан тўланадиган ойлик лавозим маоши-

дан, малака даражаси, кўп йиллик хизмати, фахрий унвони учун ҳар ойлик устама ҳақлардан иборат бўлади.

Норматив-хукуқий хужжатларга мувофиқ судьяларга бошқа тўловлар ҳам амалга оширилиши мумкин.

Судьяларга меҳнатга ҳақ тўлашнинг белгиланган фонди доирасида мукофотлар тўланиши ва моддий ёрдам кўрсатилиши мумкин.

Судьялар хизмат сафарига юборилганда ҳаво, темир йўл, автомобиль йўловчилар транспортида (такси ва шаҳар йўловчилар транспорти бундан мустасно) жой банд қилиб қўйиш ва йўл хужжатларини навбатсиз олиш хукуқидан фойдаланади.

82-модда. Судьяларнинг ҳар йилги меҳнат таътили

Судьяларга ҳар йили ўттиз календарь кунидан иборат меҳнат таътили берилади.

Ўн йилдан ортиқ судьялик иш стажига эга бўлган судьяларга ўз хоҳишига кўра олти календарь кунигача қўшимча меҳнат таътили бериллиши мумкин.

83-модда. Судьяларни уй-жой билан таъминлаш

Уй-жойга муҳтоҷ бўлган судья маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси белгилаган тартибида суд жойлашган ерда хизмат турар жойи билан таъминланади.

Судья унга доимий яшаш учун белгиланган тартибида турар жой берилгунга қадар турар жой арендаси, ижараси (иккиласми ижараси) билан боғлиқ харажатлари компенсация қилиниши хукуқига эга.

84-модда. Судьяларни ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш чоралари

Судьянинг ҳаёти ва соғлиги давлатнинг маҳсус муҳофазасида бўлади ҳамда республика бюджети маблағлари ҳисобидан давлат томонидан мажбурий тартибида суфурта қилинади.

Куйидаги холларда суфурта компаниялари (суфурталовчилар) суфурта суммаларини тўлайди:

судья ишлаётган даврида ёки ваколатлари муддати тугаганидан кейин ҳалок бўлса (вафот этса), агар бу судья ўз хизмат вазифаларини бажариши муносабати билан дучор бўлган майиблиги ёки соғлигининг бошқача шикастланиши оқибатида рўй берган бўлса, унинг меросхўрларига — судьянинг эллик ойлик иш ҳақи миқдорида;

судья ўз хизмат вазифаларини бажариши муносабати билан келгусида касбга доир фаолият билан шуғулланиш имкониятини истисно этадиган даражада майиб бўлиб қолганида ёки унинг соғлиғига бошқача шикаст етказилганида — судьянинг йигирма беш ойлик иш ҳақи миқдорида;

судья ўз хизмат вазифаларини бажариши муносабати билан келгусида касбга доир фаолият билан шуғулланиш имкониятини истисно этмайдиган

ва меҳнат қобилиятиниң доимий ўйқолишига олиб келмайдиган даражада майиб бўлиб қолганида ёки унинг соғлиғига бошқача шикаст етказилганида — судьяниң беш ойлик иш ҳақи миқдорида.

Судья ўз хизмат вазифаларини бажариши муносабати билан келгусида касбга доир фаолият билан шуғулланиш имкониятини истисно этадиган даражада майиб бўлиб қолганида ёки унинг соғлиғига бошқача шикаст етказилганида мажбурий давлат суфуртаси бўйича олинган тўловларни ҳисобга олмаган холда унга иш ҳақи ва тайин этилган пенсия ўртасидаги фарқ тарзидаги компенсация ҳар ойда тўланади.

Судья ўз хизмат вазифаларини бажариши муносабати билан дучор бўлган майиблик ёки унинг соғлиғига бошқача шикаст етказилиши оқибатида ҳалок бўлса (вафот этса), унинг қарамоғида бўлган меҳнатга қобилиятлиз оила аъзоларига судья иш ҳақининг уларнинг ҳиссасига тўғри келадиган қисми ва боқувчисини ўйқотганлиги муносабати билан уларга тайинланган пенсия ўртасидаги фарқ тарзидаги компенсация ҳар ойда, мажбурий давлат суфуртаси бўйича олинган тўловларни ҳисобга олмаган холда тўланади.

Судьяниң ўз хизмат вазифаларини бажариши муносабати билан унга тегишли мол-мulkни ўйқ қилиш ёки шикастлаш оқибатида етказилган моддий заарарнинг ўрни судьяга ёки унинг оила аъзоларига тўлалигича қопланади.

Ушбу модданинг иккинчи — бешинчи қисмларида назарда тутилган заарарнинг ўрнини қоплаш бўйича тўловлар республика бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилиб, кейинчалик улар айбдор шахслардан қонунда белгиланган тартибда ундириб олинади.

85-модда. Судьяларнинг ваколатлари муддати тугаганидан кейин уларга бериладиган кафолатлар

Ваколатлари муддати тугаган судьяларнинг ўртacha ойлик иш ҳақи уларни янги ваколатлар муддатига қайта сайлаш ёки қайта тайинлаш тўғрисидаги масала ҳал қилинаётган даврда ёхуд бошқа иш берилгунга қадар, лекин кўпи билан уч ойгача сақлаб қолинади.

Судьяларга уларнинг ваколатлари муддати тугаганидан кейин улар судьялик лавозимига сайланишга ёки тайинланишга қадар эгаллаб турган аввалги иши (лавозими) берилади, бундай иш (лавозим) мавжуд бўлмагандан эса аввалгисига teng бошқа иш (лавозим) берилади.

86-модда. Меҳнат тўғрисидаги қонунчиликнинг судьяларга нисбатан амал қилиши

Меҳнат тўғрисидаги қонунчилик судьяларга нисбатан ушбу Қонунда тартибга солинмаган муносабатларга оид қисмida татбиқ этилади.

87-модда. Судьяларнинг пенсия таъминоти

Судьяларнинг пенсия таъминоти қонунчиликда белгиланади.

14-боб. Якунловчи қоидалар

88-модда. Суд аппарати

Суд аппарати суднинг одил судловни амалга ошириш, суд амалиётини умумлаштириш, суд статистикасини таҳлил қилиш, шунингдек суднинг бошқа вазифаларини бажаришга доир ишларини таъминлайди.

Суд аппарати ходимлари Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси томонидан белгиланадиган тартибда аттестациядан ўтади.

Суд аппарати ходимларига мансаб даражаларини белгилаш ва бериш тартиби ушбу Қонун билан тасдиқланадиган низомда белгиланади.

89-модда. Судларнинг тузилиши ва штатлари

Ўзбекистон Республикаси судларининг тузилмаси ва штат бирлиги Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади.

Судларнинг штатлар жадвали Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди хузуридаги Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти (бундан бўён матнда Департамент деб юритилади) томонидан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси зарур бўлган ҳолларда судларнинг штатлар жадвалига штат бирлиги ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида ўзgartиришлар киритади.

90-модда. Судларни молиялаштириш

Судларни молиялаштириш, уларнинг биноларини қўриқлаш ва сақлаб туриш республика бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Ажратиладиган маблағлар микдори Ўзбекистон Республикасининг ҳар йилги Давлат бюджети тўғрисидаги Қонун билан тасдиқланади.

Ажратилган маблағларни тақсимлаш:

Корақалпогистон Республикаси судлари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, Коракалпогистон Республикаси маъмурий суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари, туманларо, туман, шаҳар судлари ва ҳарбий судлар учун — Департамент томонидан;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди учун — Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан амалга оширилади.

Ҳар бир суд алоҳида бино, қўриқлаш ва автотранспорт билан таъминланади.

91-модда. Судлар фаолиятини моддий-техника ва молиявий жиҳатдан таъминлаш

Судлар фаолиятини моддий-техника ва молиявий жиҳатдан таъминлаш Департамент томонидан амалга оширилади.

Департаментнинг асосий вазифалари қўйидагилардан иборат:

судлар фаолиятини моддий-техника ва молиявий жиҳатдан таъминлашга доир ишларни ташкил этиш, шунингдек бу ишларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

судлар биноларини қуриш ва таъмирлаш учун ажратилган маблағлар самарали сарфланишини таъминлаш, судлар фаолияти учун зарур шартшароитлар яратиш бўйича чора-тадбирлар кўриш;

судьялар ва суд аппарати ходимларининг меҳнат шароитларини, моддий ва ижтимоий таъминотини яхшилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

судлар фаолиятини моддий-техника ва молиявий жиҳатдан таъминлашнинг жорий ҳолатини тизимли таҳлил қилиш, судлар фаолиятини моддий-техника ва молиявий жиҳатдан таъминлашни ривожлантиришга доир узок муддатли комплекс дастурлар тайёрлаш;

судьяларнинг ва суд процессларининг хавфсизлигини таъминлаш бўйича ишларни ташкил этиш.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди хузуридаги Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти ваколатлари ва унинг фаолиятини ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланадиган низомда белгиланади.

92-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг матбуот органлари

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ўз матбуот органларига эга.

93-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий суди хузуридаги илмий-маслаҳат кенгаси

Ўзбекистон Республикаси Олий суди хузурида маслаҳат органи бўлган ва жамоатчилик асосида ишлайдиган илмий-маслаҳат кенгаси тузилади. Унинг вазифасига қонунчиликни кўллаш юзасидан суд амалиётида келиб чиқадиган масалалар бўйича илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқиш киради.

94-модда. Судлар муҳри

Суд Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳрга эга бўлади.

95-модда. Судьяларнинг маҳсус кийими

Судья одил судловни маҳсус кийимда амалга оширади, кийим тавсифи ва намуналари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати томонидан тасдиқланади.

96-модда. Судьянинг гувоҳномаси

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раисига, раис ўринбосарларига ва судьяларига гувоҳномалар Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан берилади. Бошқа судларнинг судьяларига гувоҳномалар Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси томонидан берилади.

97-модда. Судлар фаолияти тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш

Кўйидагилар тасдиқлансин:

Харбий судлар фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги низом — ушбу Конунга 1-иловага мувофиқ;

Судъяларнинг малака даражалари тўғрисидаги низом — ушбу Конунга 2-иловага мувофиқ;

Суд тизими ходимларининг мансаб даражалари тўғрисидаги низом — ушбу Конунга 3-иловага мувофиқ.

98-модда. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш

Куйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

1) Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «**Судлар тўғрисида**»ги 924–ХII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 10, 367-модда);

2) Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»-ги Қонунини амалга киритиш тартиби ҳақида**»ги 925–ХII-сонли Қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 10, 368-модда);

3) Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «**Судъяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисида-ги, Судъяларнинг малака даражалари тўғрисидаги, Суд ходимларининг мансаб даражалари тўғрисидаги, Харбий судлар фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида**»ги 927–ХII-сонли Қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 10, 370-модда);

4) Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 31 августда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**»ги 118–I-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда) **XIV бўлими**;

5) Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**»ги 357–I-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 2, 56-модда) **VIII, XX ва XXI бўлимлари**;

6) Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги Қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида**»ги 162–II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 1-2, 10-модда);

7) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2000 йил 14 декабрда қабул қилинган «**Судъяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисида-ги, Судъяларнинг малака даражалари тўғрисидаги, Суд ходимларининг мансаб даражалари тўғрисидаги, Харбий судлар фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги низомларга ўзгартишлар ва**

қўшимчалар киритиш ҳақида»ги 164-II-сонли Карори (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 1-2, 12-модда);

8) Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 7 декабрда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун хужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги 320-II-сонли Конунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 1, 20-модда) **V бўлими**;

9) Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 12 декабрда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун хужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**»ги 568-II-сонли Конунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, № 1-2, 18-модда) **IV ва XXVII бўлимлари**;

10) Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 3 декабрда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун хужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айrim қонун хужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида**»-ги 714-II-сонли Конуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 1, 18-модда) **I бўлимининг 20 ва 47-бандлари**;

11) Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 11 июлда қабул қилинган «**Қамоқقا олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўtkазилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун хужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**»ги ЎРҚ-100-сонли Конунинг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 6, 249-модда) **2-моддаси**;

12) Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 20 июлда қабул қилинган «**Судлар тўғрисида**»ги **Ўзбекистон Республикаси Конунига, Харбий судлар фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги низомга, Судъяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисидаги низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида**»ги ЎРҚ-103-сонли Конунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 7, 324-модда) **1 ва 2-моддалари**;

13) Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 7 апрелда қабул қилинган «**Суд ходимларининг мансаб даражалари тўғрисидаги низомга ўзгартишлар киритиш ҳақида**»ги ЎРҚ-207-сонли Конуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2009 йил, № 4, 134-модда);

14) Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 22 декабрда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун хужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида**»ги ЎРҚ-238-сонли Конунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2009 йил, № 12, 470-модда) **3 ва 13-моддалари**;

15) Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 21 апрелда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун хужжатларига**

ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-288-сонли Конунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2011 йил, № 4, 104-модда) 1-моддаси;

16) Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 18 сентябрда қабул қилинган «Суд-хуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-335-сонли Конунинг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2012 йил, № 9/2, 244-модда) 2-моддаси;

17) Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 20 январда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-365-сонли Конунинг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2014 йил, № 1, 2-модда) 3 ва 4-моддалари;

18) Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 29 марта қабул қилинган «Фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-421-сонли Конунинг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2017 йил, № 3, 47-модда) 2-моддаси;

19) Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 12 апрелда қабул қилинган «Судлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунига, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал ва Хўжалик процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги ЎРҚ-428-сонли Конуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2017 йил, № 4, 136-модда);

20) Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 6 июня қабул қилинган «Суд ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот маркази ходимларининг мансаб даражалари тўғрисидаги низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги ЎРҚ-435-сонли Конуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2017 йил, № 6, 299-модда);

21) Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 14 сентябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги ЎРҚ-446-сонли Конунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2017 йил, № 9, 510-модда) 48 ва 49-моддалари;

22) Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 23 июля қабул қилинган «Баъзи давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти тако-

миллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун хужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-486-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 7, 431-модда) **11-моддаси;**

23) Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 11 октябрда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун хужжатларига одил судловни амалга ошириш самарадорлигини янада кучайтиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек «Фуқароларнинг хуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги ЎРҚ-496-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 10, 672-модда) **1-моддаси**;**

24) Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 18 февралда қабул қилинган «**Хавфсизлик ва мудофаа соҳасидаги баъзи давлат органлари фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун хужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-522-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 2, 47-модда) **9-моддаси**;**

25) Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 10 майда қабул қилинган «**Баъзи давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун хужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-536-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 5, 261-модда) **3 ва 4-моддалари**;**

26) Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 5 сентябрда қабул қилинган «**Хавфсизлик ва мудофаа соҳасидаги қонун хужжатлари та-комиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун хужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-564-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 9, 589-модда) **4-моддаси**;**

27) Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 10 сентябрда қабул қилинган «**Баъзи давлат органларининг фаолияти та-комиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун хужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-566-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 9, 591-модда) **3-моддаси**;**

28) Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 10 марта қабул қилинган «**Суд ишларини юритиш тартиби та-комиллаштирилиши му-**

носабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-607-сонли Конунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 3, 198-модда) **1-моддаси;**

29) Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 9 ноябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-646-сонли Конунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 11, 652-модда) **1-моддаси**;

30) Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 21 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-683-сонли Конунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, 4-сонга илова) **33-моддаси**.

99-модда. Ушбу Конуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш

Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Судьялар олий кенгashi, бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Конуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

100-модда. Конунчиликни ушбу Конунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси:
хукумат қарорларини ушбу Конунга мувофиқлаштиrsin;
давлат бошқаруви органлари ушбу Конунга зид бўлган ўз норматив-хукукий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишилари ва бекор қилишларини таъминласин.

101-модда. Ушбу Конуннинг кучга кириши

Ушбу Конун расман эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 28 июль,
ЎРҚ-703-сон

«Судлар тўғрисида»ги
Ўзбекистон Республикаси Конунига
1-ИЛОВА

Ҳарбий судлар фаолиятини ташкил этиш тўғрисида НИЗОМ

1-модда. Ҳарбий судлар Ўзбекистон Республикаси суд тизимиға киради ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди ва худудий ҳарбий судлардан иборат бўлади.

Ҳарбий судлар чиқарадиган ҳал қилув қарорлари ва ҳукмлар Ўзбекистон Республикаси номидан эълон қилинади.

2-модда. Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди вилоят суди ҳукуки асосида иш юритади ҳамда судьялар, шу жумладан суд раиси, раис ўринбосари, шунингдек ҳалқ маслаҳатчиларидан иборат бўлади.

Худудий ҳарбий судлар туман суди ҳукуки асосида иш юритади ва судьялар, шу жумладан суд раиси, шунингдек ҳалқ маслаҳатчиларидан иборат бўлади.

3-модда. Ҳарбий судлар судьяларини тайинлаш тартиби ва уларнинг мақоми «Судлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конуни билан белгиланади.

4-модда. Ўзбекистон Республикаси ҳарбий судлари:

1) Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Давлат ҳавфсизлик хизмати, Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат ҳавфсизлик хизмати, Миллий гвардия, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги қўшинлари ва қонунчиликка мувофиқ ташкил этиладиган бошка ҳарбий тузилмалар ҳарбий хизматчилари, шунингдек ўқув йиғинларида бўлган даврда ҳарбий хизматга мажбурлар томонидан содир этилган жиноятлар тўғрисидаги ишларни;

2) ҳарбий қисмлар, қўшилмалар ва бирлашмаларнинг, ҳарбий бошқарув органларининг қўмондонлигига нисбатан ҳарбий хизматчиларнинг даъволари бўйича фуқаролик ишларини ҳамда ҳарбий бошқарув органлари ва ҳарбий мансабдор шахсларнинг ҳарбий хизматчилар ҳукуқ ва эркинликларни бузувчи хатти-харакатлари (карорлари) устидан шикоятларни;

3) алоҳида ҳолатлар туфайли судлар иш юритмаётган жойларда барча фуқаролик ва жиноят ишларини;

4) давлат сирларига тааллукли ишларни;

5) қонун билан ўз ваколатларига киритилган маъмурий ҳукуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўради.

Ўзбекистон Республикаси ҳарбий судлари қонунга мувофиқ бошка ишларни ҳам кўриши мумкин.

Ушбу модда биринчи қисмининг 1-бандида кўрсатилган шахслар ҳарбий ёки унга тенглаштирилган хизматни ўташ даврида содир этган жиноятлар тўғрисидаги ишлар, агар улар иш судда кўрилиш пайтига келиб хизматдан бўшаб кетган бўлса ҳам, ҳарбий судлар томонидан кўрилади.

Ушбу модда биринчи қисмининг 1-бандида кўрсатилган шахслар ҳарбий ёки унга тенглаштирилган хизматга чақирилгунга ёки киргунга қадар содир этган жиноятлар ва маъмурий хукуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар жиноят ишлари бўйича судлар томонидан кўрилади.

5-модда. Ўзбекистон Республикаси ҳарбий суди судловига:

генераллар таркибидаги мансабдор шахсларнинг жиноятлари тўғрисидаги ишлар, шунингдек ушбу шахсларга тааллуқли бошқа ишлар ва шикоятлар;

садир этилганлиги учун умрбод озодликдан маҳрум қилиш тарзидағи жазо тайинланиши мумкин бўлган жиноятлар тўғрисидаги ишлар;

полковник, 1-даражадаги капитан ҳарбий унвонига эга бўлган шахсларнинг ёхуд бригада командири лавозимидағи шахслар ҳамда хизмат мавқеи бўйича уларга teng шахсларнинг жиноятлари тўғрисидаги ишлар, шунингдек ушбу шахсларга тааллуқли бошқа ишлар ва шикоятлар тегишилдири.

6-модда. Худудий ҳарбий судлар судловига подполковник, 2-даражадаги капитандан юқори бўлмаган ҳарбий унвонлардаги шахсларнинг жиноятлари тўғрисидаги ишлар, шунингдек ушбу шахсларга тааллуқли бошқа ишлар ва шикоятлар тегишилдири.

7-модда. Бир гурӯҳ шахслар айбланган тақдирда, айбланувчилардан лоқал бири хусусидаги иш ҳарбий суд судловига тааллуқли бўлиб, уни қонунга мувофиқ алоҳида иш юритишга ажратиш мумкин бўлмаса, фуқаро шахсларга оид ишларнинг ҳарбий судлар томонидан кўрилишига йўл қўйилдири.

Якка шахс ёки бир гурӯҳ шахслар бир неча жиноятни содир этишда айбланган тақдирда, агар жиноятлардан лоқал бири ҳақидаги иш ҳарбий суд судловига тааллуқли бўлса, барча жиноятлар тўғрисидаги ва барча шахсларга оид иш ҳарбий суд томонидан кўрилади.

8-модда. Ҳарбий судлар жиноят ишлари билан бирга ҳарбий қисмлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмаларининг ва фуқароларнинг жиноятлар туфайли ўзларига етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги фуқаролик даъволарини ҳам кўриб чиқади.

9-модда. Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди:

ўз ваколатлари доирасида ишларни биринчи инстанция суди сифатида ва апелляция тартибида кўриб чиқади;

худудий ҳарбий судларнинг судлов фаолияти устидан назоратни амалга оширади;

ҳарбий судлар ишининг ташкил этилишини текширади;

ҳарбий судларнинг суд амалиёти ва суд статистикасини умумлаштиради, уларнинг тизимли таҳлилини амалга оширади;

суд амалиёти обзорларини тайёрлайди;

ҳарбий судлар судьяларининг малакасини ошириш чора-тадбирларини кўради;

судьяларнинг мустақиллигини мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси ҳарбий судлар ишини ташкил этиш масалаларига доир бўйруқлар ва фармойишлар чиқаради.

10-модда. Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди раёсати мазкур суд судьяларидан иборат таркибда иш юритади.

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди раёсатининг мажлислари зарурятга қараб, бироқ ҳар ойда камида бир марта ўтказилади ва раёсат аъзоларининг кўпчилиги хозир бўлганда ваколатли ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди раёсатининг қарорлари мажлисда иштирок этаётган раёсат аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади ва суд раиси томонидан имзоланади.

11-модда. Ўзбекистон Республикаси ҳарбий суди раёсати:

суд амалиётини умумлаштириш ва суд статистикасини тахлил қилиш натижаларини кўриб чиқади;

судлов ҳайъатининг фаолияти тўғрисидаги маърузаларни эшитади;

худудий ҳарбий судлар раисларининг қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисидаги маърузаларини эшитади.

Ўзбекистон Республикаси ҳарбий суди раёсати қонунга мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

12-модда. Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг судлов ҳайъати:

ўз ваколатлари доирасида ишларни биринчи инстанцияда кўриб чиқади;

ишларни апелляция тартибида кўриб чиқади;

суд амалиётини ўрганади ва умумлаштиради;

суд статистикасини тахлил қиласди.

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг судлов ҳайъати қонунга мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

13-модда. Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди раиси:

суд фаолиятига ташкилий раҳбарликни амалга оширади;

суд раёсати мажлисларини чақиради ва унинг мажлисларида раислик қиласди;

суд раёсати қарорлари бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш бўйича ишларни ташкил этади;

суд мажлисларида раислик қиласди;

кўйи турувчи судлар фаолиятини ташкил этишда кўмаклашади;

судьялар, суд аппарати ходимлари ва халқ маслаҳатчиларининг малакасини ошириш бўйича ишларни ташкил этади;

суд амалиётини умумлаштириш, суд амалиёти обзорларини тайёрлаш ва суд статистикасини юритиш бўйича ишларни ташкил этади;

жисмоний шахсларни, юридик шахсларнинг вакилларини шахсан қабул қиласди ва уларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича ишларни ташкил этади;

Судьялар олий малака ҳайъатига судьялар малака ҳайъатлари қарорлари юзасидан тақдимномалар киритади;

суд аппарати ишига раҳбарлик қиласди, суд аппарати ходимлари билан меҳнат шартномаларини тузади ва тугатади.

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди раиси қонунга мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

14-модда. Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди раисининг ўринbosари:

судлов ҳайъати ишини ташкил этади;

судлов ҳайъати мажлисларида раислик қилади;

судлов ҳайъати фаолияти тўғрисида суд раёсатига маъруза тақдим этади;

жисмоний шахсларни ва юридик шахслар вакилларини шахсан қабул қилади;

суд раиси йўқлигида унинг ваколатларини амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди раисининг ўринbosари қонунга мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди раиси ўринbosари йўқлигида унинг ваколатлари мазкур суд раиси томонидан судьялардан бирига юклатилиши мумкин.

15-модда. Худудий ҳарбий суд раиси:

суд мажлисларида раислик қилади;

жисмоний шахсларни, юридик шахсларнинг вакилларини шахсан қабул қилади ва уларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича ишларни ташкил этади;

суд аппарати ишига раҳбарлик қилади, суд аппарати ходимлари билан меҳнат шартномаларини тузади ва тугатади.

Худудий ҳарбий суд раиси қонунга мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Худудий ҳарбий суд раиси йўқлигида унинг ваколатларини Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг судьяларидан бири бажаради.

16-модда. Ҳарбий судлар таркиби, штатлар сони, штатдаги лавозимлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади.

17-модда. Ҳарбий судлар судьялари «Судлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунига мувофиқ интизомий жавобгарликка тортилади.

18-модда. Ҳарбий судларнинг аппарати ходимларини ишга қабул қилиш ва улар билан тузилган меҳнат шартномаларини бекор қилиш Ўзбекистон Республикасининг Мехнат кодексига мувофиқ тегишли ҳарбий суд раиси томонидан амалга оширилади.

19-модда. Ҳарбий судларни моддий-техник жиҳатдан таъминлаш, молиялаштириш, транспорт, алоқа воситалари билан таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Олий суди хузуридаги Судлар фаолиятини таъминлаш департamenti томонидан амалга оширилади.

20-модда. Ушланган, қамоқца олинган, гауптвахталарда сақланаётганларни ҳарбий судларга қўриқлаб олиб бориш ва уларни суд мажлисида қўриқлаш ҳарбий қисмлар ёки гарнizonларнинг ҳарбий комендатуралари томонидан амалга оширилади. Бошқа сақлаш жойларида, жазони ижро этиш муассасаларида сақланаётган маҳбусларни ишни қўриш жойига қўриқлаб

олиб бориш ва қўриқлаш белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг соқчилик қўшинлари қисмлари, органлари томонидан амалга оширилади.

21-модда. Ҳарбий судлар Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳрга эга бўлади.

«Судлар тўғрисида»ги
Ўзбекистон Республикаси Конунига
2-ИЛОВА

Судьяларнинг малака даражалари тўғрисида НИЗОМ

1-модда. «Судлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунига мувофиқ ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси судьялари учун малака даражалари жорий этиш ва бериш тартибини белгилайди.

2-модда. Судьяларга судья сифатидаги тажрибаси ва иш стажини инобатга олган ҳолда қўйидаги малака даражалари берилади:

- олий малака даражаси;
- биринчи малака даражаси;
- иккинчи малака даражаси;
- учинчи малака даражаси;
- тўртинчи малака даражаси;
- бешинчи малака даражаси.

3-модда. Малака даражалари қўйидагича берилади:

Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяларига, Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши судьяларига — олий, биринчи, иккинчи малака даражалари;

Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоят судлари ва Тошкент шаҳар суди, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди, Қорақалпоғистон Республикаси маъмурий суди, вилоятлар, Тошкент шаҳар маъмурий судлари судьяларига — биринчи, иккинчи, учинчи малака даражалари;

туманлараро, туман, шаҳар судлари, худудий ҳарбий судлар судьяларига — учинчи, тўртинчи, бешинчи малака даражалари.

4-модда. Олий малака даражаси Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисига Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан берилади.

Олий малака даражаси Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси ўринбосарлари — судлов ҳайъатлари раисларига, Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяларига, Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши судьяларига тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ва Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши раисининг Ўзбекистон Республикаси судлари судьялари олий малака ҳайъати хулосасига асосланган тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан берилади. Бошқа малака даражалари тегишли судьялар малака

хайъатлари хулосасига биноан Ўзбекистон Республикаси судлари судьялари олий малака хайъати томонидан берилади.

Биринчи маротаба сайланган ёки тайнланган судьяларга малака дарожалари иш фаолиятининг дастлабки уч ойи ичидаги илгариги иш ёки хизмат жойида берилган маҳсус унвонлар ва мансаб даражаларини инобатга олган ҳолда берилади.

Судьялар орасидан белгиланган тартибда сайланган ёки Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари билан тайнланган шахсларга малака дарожалари тегишли давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси судлари судьялари олий малака хайъати томонидан берилади.

5-модда. Ҳар бир малака даражасида бўлиш муддатлари ижобий малака аттестацияси мавжуд бўлган тақдирда қўйидагича белгиланади:

бешинчи малака даражасида — икки йил;

тўртинчи малака даражасида — уч йил;

учинчи малака даражасида — тўрт йил;

иккинчи малака даражасида — беш йил.

Биринчи малака даражасида бўлиш муддати белгиланмайди.

Юқори малакали судьяларга иш тажрибасини инобатга олган ҳолда, эгаллаб турган лавозими учун назарда тутилган даражадан катъи назар, шунингдек кетма-кетликка риоя этмаган ҳолда, лекин унга берилган малака даражасидан икки даражадан юқори бўлмаган малака даражаси берилишига йўл қўйилади.

6-модда. Судьялар одил судловни амалга ошириш чоғида қонунийликни қўйпол равишда бузганлик учун малака даражасидан маҳрум этилиши мумкин.

Малака даражасидан маҳрум этиш ва малака даражасини пасайтириш шу малака даражасини берган мансабдор шахс ёки орган томонидан амалга оширилади.

7-модда. Малака даражасига эга бўлган судьяларнинг лавозим маошлирига қонунчиликда белгиланган микдорларда устамалар белгиланади.

8-модда. Судьяларни малака аттестациясидан ўтказиш тартиби қонун билан тасдиқланадиган низомда белгиланади.

«Судлар тўғрисида»ги
Ўзбекистон Республикаси Қонунига
З-ИЛОВА

Суд тизими ходимларининг мансаб дарожалари тўғрисида НИЗОМ

1-модда. Ушбу Низом судлар аппарати, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди (бундан буён матнда Конституциявий суд деб юритилади), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши (бундан буён матнда Судьялар олий кенгashi деб юритилади), Ўзбекистон Республикаси Судья-

лар олий кенгаши хузуридаги Судьялар олий мактаби (бундан буён матнда Олий мактаб деб юритилади) ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди хузуридаги Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти (бундан буён матнда Департамент деб юритилади) ҳамда унинг ҳудудий бўлимлари ходимларига маҳсус унвонлар — мансаб даражалари бериш тартибини белгилайди.

2-модда. Судлар аппарати, Конституциявий суд, Судьялар олий кенгаши, Олий мактаб, Департамент ва унинг ҳудудий бўлимлари ходимларининг маҳсус унвонлари қўйидаги мансаб даражаларидан иборат:

- 1-даражали Давлат адлия маслаҳатчиси;
- 2-даражали Давлат адлия маслаҳатчиси;
- 3-даражали Давлат адлия маслаҳатчиси;
- 1-даражали адлия маслаҳатчиси;
- 2-даражали адлия маслаҳатчиси;
- 3-даражали адлия маслаҳатчиси;
- 1-даражали юрист;
- 2-даражали юрист;
- 3-даражали юрист.

3-модда. Мансаб даражалари олий юридик маълумотга ёки бошқа олий маълумотга эга ходимларга, эгаллаб турган лавозими, малакаси ва иш стажига мувофиқ кетма-кетликда ёхуд илгариги иш ёки хизмат жойида берилган маҳсус унвонлар ва мансаб даражаларини инобатга олган ҳолда берилади.

4-модда. Мансаб даражалари:

1-даражали Давлат адлия маслаҳатчиси — Судьялар олий кенгаши раисига;

2-даражали Давлат адлия маслаҳатчиси — Олий мактаб директорига, Департамент директорига;

3-даражали Давлат адлия маслаҳатчиси — Олий мактаб директорининг ўринбосарига, Ўзбекистон Республикаси Олий суди аппарати раҳбарига;

1-даражали адлия маслаҳатчиси — Конституциявий суд котибияти мудирига, Ўзбекистон Республикаси Олий суди бошқармалари бошлиқларига, Судьялар олий кенгаши котибига, Олий мактабнинг кафедра мудирига, кафедра профессорига, кафедра доцентига, Департамент директорининг ўринбосарига;

2-даражали адлия маслаҳатчиси — Конституциявий суднинг катта эксперtlарига, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг бошқарма бошлиқлари ўринбосарларига ва бўлим бошлиқларига, Конституциявий суд раисининг ёрдамчисига, Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг маслаҳатчисига, Судьялар олий кенгашининг етакчи инспекторларига, биринчи бўлими мудирига, Олий мактабнинг бўлим бошлиқларига, кафедра ўқитувчиларига, Департаментнинг бўлимлари ва ҳудудий бўлимлари бошлиқларига;

3-даражали адлия маслаҳатчиси — Конституциявий суднинг эксперtlарига, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Раёсати котибиятининг бошлиғига, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг бўлим бошлиқлари ўринбосарларига, бош ва катта консультантларига, Судьялар олий

кенгашининг архив мудирига ва девонхона мудирига, Олий мактабнинг юрисконсультига, бош ва етакчи мутахассисларига, Департаментнинг бош мутахассисларига, кадрлар бўйича бош инспекторига ва юрисконсультига;

1-даражали юрист — Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоят судлари ва Тошкент шаҳар судининг, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг, Қорақалпоғистон Республикаси маъмурий судининг, вилоятлар, Тошкент шаҳар маъмурий судларининг бўлим бошлиқларига, бош мутахассисларига, судья катта ёрдамчиларига, Олий мактабнинг девонхона мудирига ва архив мудирига;

2-даражали юрист — Қорақалпоғистон Республикаси судининг, вилоят судлари ва Тошкент шаҳар судининг, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг, Қорақалпоғистон Республикаси маъмурий судининг, вилоятлар, Тошкент шаҳар маъмурий судларининг катта мутахассисларига, девонхона мудирларига, судъялар малака ҳайъатлари котибларига, Департамент худудий бўлимларининг бош мутахассисларига;

3-даражали юрист — туманлараро, туман, шаҳар судларининг, худудий ҳарбий судларнинг судья ёрдамчиларига, девонхона мудирларига берилади.

5-модда. 1, 2 ва 3-даражали Давлат адлия маслаҳатчиси мансаб даражалари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан берилади.

1, 2 ва 3-даражали адлия маслаҳатчиси, шунингдек 1, 2 ва 3-даражали юрист мансаб даражалари:

Судъялар олий кенгashi ва Олий мактабнинг ходимларига — Судъялар олий кенгashi раиси томонидан;

Конституциявий суднинг девони ходимларига — Конституциявий суднинг раиси томонидан;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва қуий турувчи судлар аппаратлари ходимларига, Департамент ва унинг худудий бўлимлари ходимларига — Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси томонидан берилади.

Конституциявий суднинг раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси, Судъялар олий кенгашининг раиси ушбу Низомнинг 4-модда сида назарда тутилмаган лавозимни штат жадвалида мавжуд муайян лавозимга tenglashтиришга ҳамда 1-даражали адлия маслаҳатчиси ва унгача бўлган мансаб даражасини беришга ҳақли.

6-модда. 1, 2, 3-даражали Давлат адлия маслаҳатчиси даражаларида бўлиш муддати белгиланмайди.

Хар бир мансаб даражасида бўлиш муддати ижобий аттестация мавжуд бўлган тақдирда 3, 2 ва 1-даражали адлия маслаҳатчилари учун — тўрт йилни, 3, 2, 1-даражали юристлар учун — икки ярим йилни ташкил этади.

7-модда. Ушбу Низомнинг 5-моддасига мувофиқ судлар, Судъялар олий кенгashi, Олий мактаб, Департамент ва унинг худудий бўлимлари ходимларига 1-даражали Давлат адлия маслаҳатчиси мансаб даражасигача бўлган мансаб даражасини беришга — эгаллаб турган лавозими бўйича назарда тутилган даражадан қатъи назар, кетма-кетликда ва мансаб даражасида бўлиш муддатига риоя этмаган холда йўл қўйилади.

8-модда. Судларга, Судъялар олий кенгashiga, Олий мактабга, Депар-

таментга ва унинг худудий бўлимларига хукуқни муҳофаза қилувчи органлардан ва бошқа ташкилотлардан ишга ўтган ходимларга мансаб даражалари улар қайси лавозимга тайинланганлиги, билими ва иш тажрибаси, шунингдек илгариги иш ёки хизмат жойида берилган маҳсус унвонлари ва мансаб даражалари инобатга олинган ҳолда берилади.

9-модда. Конституциявий суд раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси, Судьялар олий кенгаши раиси:

1) олдинги мансаб даражасида бўлиш учун белгиланган хизмат муддати тугамасдан, ишда алоҳида ўрнак кўрсатганлиги ёки хизмат бурчини намунали бажарганлиги учун;

2) ходим юқори лавозимга кўтарилаётганда кетма-кетликка риоя этмаган ҳолда, лекин унинг ўз даражасидан икки мансаб даражасидан юқори бўлмаган;

3) аттестациядан биринчи марта ўтаётган ходимларга уларнинг лавозимлари бўйича белгиланганидан бир поғона паст мансаб даражаси беришга ҳақли.

10-модда. Иш стажи бўлмаган шахсларга улар лавозимга тайинланганидан кейин камида олти ой ўтгач мансаб даражаси берилади.

11-модда. Судлар аппарати, Конституциявий суд, Судьялар олий кенгаши, Олий мактаб, Департамент ва унинг худудий бўлимларининг бир мансаб даражасида белгиланган муддат хизмат килган, лекин хизмат фаoliyatiда ёки хулқ-атворида жиддий камчиликлари бўлган ходимлари мансаб даражаси кўтарилимайди.

12-модда. Мансаб даражалари берилган ходимлар шу мансаб даражаларида умрбод бўлади ва факат судларда, Судьялар олий кенгашида, Олий мактабда, Департаментда ва унинг худудий бўлимларида ишлашга нолойиқ хатти-харакатлари учун меҳнат шартномаси бекор қилинганда улардан маҳрум қилиниши мумкин.

13-модда. Хизмат бурчини кўпол равишда бузгани ёки хизмат вазифаларини муттасил лозим даражада бажармагани учун ходимнинг мансаб даражаси унга берилганидан иккidan ортиқ бўлмаган мансаб даражасига пасайтирилиши мумкин.

Мансаб даражасидан маҳрум қилиш ёки уни пасайтириш мансаб даражаси бериш хукуқига эга бўлган тегишли мансабдор шахслар томонидан амалга оширилади.

14-модда. Судлар аппарати, Конституциявий суд, Судьялар олий кенгаши, Олий мактаб, Департамент ва унинг худудий бўлимлари ходимларига мансаб даражалари бериш учун аттестация ўтказиш тартиби Конституциявий суд раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси, Судьялар олий кенгаши раиси томонидан уларнинг ваколати доирасида белгиланади.

15-модда. Мансаб даражаси бўлган судлар аппарати, Конституциявий суд, Судьялар олий кенгаши, Олий мактаб, Департамент ва унинг худудий бўлимлари ходимларининг лавозим маошларига устамалар қонунчиликда белгиланган микдорларда белгиланади.

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

442 Аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида*

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Ёшларни қўллаб-куватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурига мувофиқ ихтисослаштирилган тиббий хизматни аҳолига яқинлаштириш, шошилинч тиббий ёрдамни ўз вақтида кўрсатиш ҳисобига фуқаролар ҳаётини сақлаб қолиш ва уларнинг фаол меҳнат қобилиятини тиклашга имконият яратиш, болалар, туғиши ёшидаги, ҳомиладор ва бола эмизувчи аёлларни профилактик маҳсус препаратлар билан бепул таъминлаш ҳамда нефрология ва гемодиализ ёрдамини кўрсатиш тизимини янада яхшилаш мақсадида:

1. 2021-2022 йиллар давомида туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари таркибида 35 та Туманлараро қўшма шикастланишлар ва ўткир кон-томир касалликлари марказлари (кейинги ўринларда — Марказлар) 1-иловага** мувофиқ босқичма-босқич ташкил этилсин.

2. Кўйидагилар Марказларнинг асосий вазифалари этиб белгилансин: «олтин соат» тамойили асосида қўшма шикастланишлар ҳамда ўткир кон-томир касалликлари билан тиббий ёрдамга муҳтож беморларга шошилинч ва ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни ташкил этиш;

ўткир ва сурункали буйрак етишмовчилиги мавжуд беморларга гемодиализ хизматини кўрсатиш;

Марказларга бириқтирилган туман (шаҳар)лар аҳолисига Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган тартибда тиббий хизмат кўрсатиш.

3. Белгилансинки, Марказларга:

худудлардаги аҳоли сонидан келиб чиқкан ҳолда, шошилинч тиббий ёрдам ва умумий жарроҳлик бўлимларининг умумий ўринлари сони доирасида 50 тадан 60 тагача ўринлар ажратилади;

худудий соғлиқни сақлаш муассасалари штат бирликлари доирасида қўшимча нейрохирург, невролог, кардиолог, анестезиолог-реаниматолог ва бошқа штатлар киритилади;

туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари фаолиятини молиялаштириш

* Ушбу карор «Конунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 27 июлда эълон қилинган.

** 1-илова «Конунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

бўйича қонунчилик хужжатларида белгиланган қоидалар татбиқ этилади.

Марказларни молиялаштириш Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар маҳаллий бюджетлари хисобидан амалга оширилади.

4. Туманлараро қўшма шикастланишлар ва ўткир қон-томир касалликлари марказларини ташкил этиш чора-тадбирлари режаси 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансан.

5. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (У. Собиров) Молия вазирлиги (Ж. Аbruев) билан биргаликда Марказларнинг ташкил этилиши муносабати билан талаб этиладиган қўшимча штат бирликлари ҳамда уларга зарур бўлган маблағлар ажратилишини таъминласин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда Марказларни малякали кадрлар билан таъминлаш, уларнинг фаолиятини йўлга қўйиш билан боғлиқ молиявий, моддий-техник ва бошқа ташкилий масалаларни ўз вактида ҳал қилиш чораларини кўрсинг.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 ноябрдаги «Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4887-сон қарорига мувофиқ:

6 — 23 ойлик болалар учун уй шароитида тайёрланган овқатларни бойитиш мақсадида микронутриент кукуни билан;

6 ойликдан 5 ёшгача бўлган болаларни «А» витамини билан;

2 — 10 ёшдаги болаларни гельминтоз профилактикаси бўйича маҳсус препаратлар билан;

хомиладор ва бола эмизувчи аёллар ҳамда 3 — 15 ёшдаги болаларни йод препарати билан;

35 ёшгача туғиши ёшидаги аёлларни темир ва фолий кислотаси препарати билан бепул таъминлаш назарда тутилганлиги маълумот учун қабул қилинсан.

2021 — 2023 йилларда болалар, туғиши ёшидаги, хомиладор ва бола эмизувчи аёлларни профилактик маҳсус препаратлар билан бепул таъминлаш чора-тадбирлари дастури 3-иловага* мувофиқ тасдиқлансан.

7. Қўйидагиларни назарда тутувчи Аҳолига кўрсатилаётган нефрология ва гемодиализ ёрдамини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари режаси 4-иловага* мувофиқ тасдиқлансан:

худудларнинг умумий ўринлар фонди хисобидан нефрология ва гемодиализ бўйлимларини 50 ўрингача етказиш;

диализ аппаратлари ва сарфлаш воситаларини харид қилиш;

2021 / 2022 ўқув йилидан бошлаб олий тиббиёт таълим муассасаларида нефрология ва гемодиализ кафедралари фаолиятини йўлга қўйиш;

Республика ихтисослаштирилган нефрология ва буйрак трансплантацияси илмий-амалий тиббиёт маркази биноларини куриш ва реконструкция қилиш.

8. Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

* 2 — 4-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ўн кун муддатда болалар, туғиши ёшидаги, ҳомиладор ва бола эмизувчи аёлларнинг профилактик маҳсус препаратларга бўлган эҳтиёжини аниқлаш ва ушбу препаратларни тақсимлаш ҳамда етказиш тартибини тасдиқласин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Ушбу қарорда назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш юзасидан:

соғлиқни сақлаш вазири А.М. Хаджибаев зиммасига — ушбу қарорнинг ижросини самарали ташкил этиш учун;

соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосарлари А.Ш. Иноятовга гемодиализ хизматини юқори даражада кўрсатиш, У.Ю. Собировга Марказлар фаолиятини самарали ташкил этиш, Э.И. Баситхановага болалар, туғиши ёшидаги, ҳомиладор ва бола эмизувчи аёлларни профилактик маҳсус препаратлар билан таъминлаш учун;

Корақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари зиммасига мазкур қарорда белгиланган чора-тадбирларнинг худудларда сифатли ижро этилиши учун шахсий масъулият юклансин.

Карорнинг ўз вақтида ва натижали ижро этилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.А. Мусаев ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Л.Н. Тўйчиев зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан 2022 йил 1 январгача Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот берилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 26 июль,
ПҚ-5198-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

443 Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Аҳолига юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишда ошкоралик, адолатлилик ва шаффофлик тамойиллари асосида замонавий талабларга жавоб берадиган самарали хизмат кўрсатиш тизимини шакллантириш, ордер бериш механизмини такомиллаштириш ва тўлиқ рақамлаштириш мақсадида:

1. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофик:

а) 2021 йил 1 октябрдан бошлаб мазкур қарорга 1-иловада рўйхати келтирилган давлат тиббиёт муассасаларида (кейинги ўринларда — ихтисослаштирилган муассасалар) Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан имтиёзли тоифага киравчи шахсларга квота асосида ордер бериш тартиби бекор қилинади ва молиялаштиришнинг янги механизми асосида уларни ҳисобга олиш ва навбат асосида даволанишга йўллашнинг электрон ахборот тизими (кейинги ўринларда — ахборот тизими) жорий этилади.

Белгилансинки, имтиёзли тоифага киравчи шахсларни ихтисослаштирилган муассасаларга даволанишга йўллашда:

касалликнинг оғирлик даражасидан келиб чиқиб ахборот тизими орқали навбатда туришнинг шаффоф механизмлари татбиқ этилади;

кам таъминланган оиласаларга мансуб шахслар тоифасига киравчи фуқаролар «Ижтимоий химоя ягона реестри» ахборот тизимига мувофик аникланади;

беморларга ўзларининг сўровлари, мурожаатлари ҳамда навбати ҳақидаги ахборотни реал вакт режимида олиш имконияти таъминланади;

беморларга, уларнинг касаллигига мувофик ихтисослаштирилган муассасаларда даволанишларини таъминлайдиган, тиббий хизматнинг қиймати кўрсатилган ҳамда матрицали штрих код (QR-код)га эга бўлган йўлланма (кейинги ўринларда — йўлланма) берилади;

йўлланма ахборот тизимида автоматик тарзда шакллантирилди ва давлат ёки нодавлат тиббиёт ташкилотларида тиббий хизматлар олиш ҳукуқини беради;

бемор даволанганидан сўнг Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси даволаган муассасага базавий нархлар доирасида bemorga кўрсатилган тиббий хизматларни асословчи ҳужжатларга мувофик, сарфланган маблағни Давлат бюджети ҳисобидан ўtkазиб беради;

б) қўйидагилар:

2021 йил 1 ноябрдан бошлаб республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси ва урология;

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 29 июлда эълон килинган.

2022 йил 1 январдан кардиология, травматология ва ортопедия ҳамда акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт марказлари томонидан кўрсатиладиган тиббий хизматлар имтиёзли тоифага кирувчи шахсларга Давлат бюджети маблағлари хисобидан нодавлат тиббиёт ташкилотлари томонидан кўрсатилишига рухсат берилсин.

Белгилансинки:

имтиёзли тоифага кирувчи шахслар тиббий хизмат кўрсатадиган Давлат тиббий суфуртаси жамғармаси билан шартномаси мавжуд давлат ёки нодавлат тиббиёт ташкилотларини ўз хоҳишига кўра эркин танлаш хуқуқига эга бўлади;

имтиёзли тоифага кирувчи шахсларга Давлат бюджети маблағлари хисобидан тиббий хизмат кўрсатувчи нодавлат тиббиёт ташкилотларига қўйила-диган талаблар Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланади;

нодавлат тиббиёт ташкилотлари томонидан имтиёзли тоифага кирувчи шахсларга тиббий хизмат кўрсатиш Давлат тиббий суфуртаси жамғармаси билан тузиладиган шартнома асосида базавий нархлардан келиб чиқиб, амалга оширилади;

в) амалдаги ордер бериш тартибига асосан расмийлаштирилган ордерлардан 2022 йилнинг 1 январига қадар фойдаланиш мумкин;

г) 2022 йил 1 январдан бошлаб мазкур карорга 2-иловага мувофиқ давлат тиббиёт муассасаларида имтиёзли тоифага кирувчи шахсларни элек-трон ахборот тизими орқали хисобга олиш ва навбат асосида даволанишга йўллаш тартиби жорий этилади.

2. Белгилаб қўйилсинки, имтиёзли тоифага кирувчи шахсларга кўрса-тилган тиббий хизматлар сифатини баҳолаш ҳамда уларнинг тасдиқланган стандартларга мувофиқлигини, ажратилган маблағлар самарадорлиги ва натижадорлигини назорат қилиш Давлат тиббий суфуртаси жамғармаси томонидан амалга оширилади.

3. Давлат тиббий суфуртаси жамғармасига қўшимча 8 та штат бирли-ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 апрелдаги «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг тузилмасини мақбуллаштириш ва штат бирликлари сонини қисқартириш тўғрисида»ги ПҚ-5053-сон қаро-рига мувофиқ мақбуллаштирилган штат бирликлари хисобидан ажратилсин.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизими ташкилотлари ходимларининг бел-гилангандан умумий чекланган сони ҳамда Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар доирасида Давлат тиббий суфуртаси жамғармасининг 14 та бош мутахассиси лавозимлари киритилсин ва улар соғлиқни сақлаш ҳудудий бошқарув органларида жойлаштирилсин.

Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринbosари А. Иноятов раҳбар-лигида имтиёзли тоифага кирувчи шахсларни даволаш ва молиялаштириш билан боғлиқ хуқуқий, молиявий ва бошқа ташкилий масалаларни ҳал қилиш бўйича ишчи гуруҳ ташкил этилсин ва у мазкур йўналишда Давлат тиббий суфуртаси жамғармаси фаолиятига қўмаклашиб борсин.

Давлат тиббий суфуртаси жамғармаси Кузатув кенгашига (Л. Туйчиев), зарур холларда, Давлат тиббий суфуртаси жамғармаси ижро этувчи аппа-

ратининг тасдиқланган тузилмасига бошқарув ходимларининг чекланган сони доирасида ўзгартиришлар киритиш хуқуки берилсин.

4. 2021 йил 1 октябрдан бошлаб Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар доирасида имтиёзли тоифага киравчи шахсларни даволаш учун ихтисослаштирилган муассасаларни Давлат тиббий суфуртаси жамғармаси билан тузилган шартномалар асосида базавий нархларда молиялаштириш механизми жорий этилсин.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А. Хаджибаев) Молия вазирлиги (Т. Ишметов) ва Давлат тиббий суфуртаси жамғармаси (Ф. Шарипов) билан биргаликда 2021 йил 15 сентябрга қадар ихтисослаштирилган муассасаларни шартнома асосида базавий нархлардан келиб чиқиб молиялаштириш тартибини тасдиқласин.

Молия вазирлиги (Ж. Абруев) имтиёзли тоифага киравчи шахсларни даволаш учун ихтисослаштирилган муассасаларга ажратилган Давлат бюджети маблағларининг 2021 йил 1 октябрь ҳолатига қолдиқ қисмини Давлат тиббий суфуртаси жамғармасига ўтказиб берилишини таъминласин.

5. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А. Хаджибаев):

а) бир ой муддатда:

Молия вазирлиги билан биргаликда республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказларида Давлат бюджети маблағлари хисобидан даволанадиган касалликлар рўйхатини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

Молия вазирлиги ва Монополияга қарши курашиб кўмитаси билан келишган ҳолда Давлат бюджети маблағлари хисобига имтиёзли тоифага киравчи шахсларга ташхис қўйиш ва даволаш бўйича тасдиқланган стандартларга мувофиқ тиббий хизматларнинг базавий нархларини шакллантирсин ва уларнинг янгиланиб борилишини таъминласин;

б) 2021 йил якунига қадар далилларга асосланган тиббиётга мувофиқ замонавий даволаш-диагностика услугуб ва технологияларни киритган ҳолда клиник протоколларни, диагностика ҳамда касалликларни даволаш стандартларини қайта кўриб чиқсин ва тасдиқланишини таъминласин.

Бунда, диагностика ва даволаш сифатига оид стандартларни янгилаш бўйича режа-графикни республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари кесимида тасдиқласин ва ушбу стандартлар Соғлиқни сақлаш вазирлигининг расмий веб-сайтида эълон қилиб борилишини таъминласин.

6. Имтиёзли тоифага киравчи шахсларни хисобга олиш ва навбат асосида даволанишга йўллашнинг электрон ахборот тизимига интеграция қилинадиган маълумотлар рўйхати З-иловага^{*} мувофиқ тасдиқлансан.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А. Азизов) 2021 йил 1 сентябрга қадар:

а) соғлиқни сақлаш соҳаси учун Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар хисобидан ахборот тизимини ишлаб чиқсин;

б) Молия вазирлиги, Мудофаа вазирлиги ва Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги билан биргаликда имтиёзли тоифага ки-

* З-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

рувчи шахслар тўғрисидаги маълумотларни ахборот тизимига интеграция қилинишини таъминласин.

7. Республика ихтисослаштирилган онкология ва тиббий радиология илмий-амалий тибиёт маркази учун Тошкент тибиёт академияси клиникасининг бўш турган худудида янги бино-иншоотлар комплекси (кейинги ўринларда — комплекс) барпо этилиши маълумот учун қабул қилинсин.

Белгилансинки:

комплекснинг куввати камида 650 та стационар ва 100 та кундузги стационар ўринлардан иборат бўлади ва 2023 йилнинг 1 апрелига қадар фойдаланишга топширилади;

Республика ихтисослаштирилган онкология ва тиббий радиология илмий-амалий тибиёт маркази комплекс фойдаланишга топширилгандан кейин унга ушбу марказнинг Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти филиалларини қўшиб олиш йўли билан қайта ташкил этилади.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Ж. Артикходжаев), Қурилиш вазирлиги (Б. Закиров), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А. Хаджибаев) Корея Республикаси тажрибасини ҳамда замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлашни хисобга олган ҳолда комплексни куриш ва жиҳозлаш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиб, 2021 йилнинг якунига қадар қурилиш ишларини бошласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 27 майдаги ПҚ-5130-сон қарори билан ташкил этилган Республика гематология, онкология ва радиология марказлари фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича ишчи гурӯҳи (Б. Мусаев)га:

а) белгиланган муддатларда комплексни фойдаланишга топшириш, соҳадаги илғор хорижий тибиёт муассасаларининг тажрибасидан келиб чиққан ҳолда унинг фаолиятини йўлга қўйиш, бу борада ташкилий, молиявий, моддий-техник ва бошқа масалаларни ўз вактида ҳал қилиш;

б) Республика ихтисослаштирилган онкология ва тиббий радиология илмий-амалий тибиёт маркази учун:

2021 / 2022 ўқув йилидан бошлаб олий тиббий таълим муассасалари магистратураси ва клиник ординатурасида тор соҳа мутахассисларини тайёрлаш;

Республика ўрта тибиёт ва фармацевтика ходимлари малакасини ошириш ва уларни ихтисослаштириш маркази томонидан ўрта тибиёт ходимларининг малакасини ошириш;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А. Хаджибаев), Ташқи ишлар вазирлиги (А. Камилов), Ўзбекистон Республикасининг Корея Республикасидаги элчихонаси (В. Фен) билан биргаликда Корея Республикасининг етакчи илмий ва тибиёт марказлари билан ҳамкорликда онкология, гематология, радиология, клиник иммунология, юқори технологик трансфузиология, лаборатория ва бошқа йўналишлар бўйича кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкиллаштириш вазифалари юклатилсин.

9. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2021 йил 1 августандаги бошлаб онкология, онкогематология ва гематология муассасалари

нинг паллиатив ёрдам кўрсатиш бўлимлари шифокорлари, ўрта ва кичик тиббиёт ходимлари лавозим маошига меҳнатнинг соғлиқ учун ўта хавфли шароитлари учун 25 фоиз миқдорида ҳар ойлик устами ҳақ тўлаш хақида ги таклифи маъқуллансин.

10. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Э. Баситханова) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi ва вилоятлар ҳокимларини билан биргаликда 2022 йил 1 январдан бошлаб босқичма-босқич:

туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаларининг 46 та туғуруқ бўлимлари негизида 4-иловага* мувофиқ туманлараро перинатал марказларни амалдаги штатлар доирасида ташкил этиш;

оналар, янги туғилган чақалоқлар ва болалар учун худудларда самарали перинатал, неонатал ва педиатрик хизматларни олиш имкониятини яратиш;

минтақавий перинатал марказларни тақомиллаштириш ва З-даражали акушерлик муассасаларини белгиланган талабларга мувофиқ жиҳозлаш чораларини кўрсин.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А. Азизов) Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Ш. Вафаев) билан биргаликда 2021 йил 1 ноябрга қадар халқаро молия ташкилотларининг кредит маблағларини мақбуллаштириш хисобига республикадаги туғуруққа ёрдам берувчи муассасаларни замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминлаш учун халқаро молия ташкилотлари билан музокаралар ўтказсин.

11. Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада тақомиллаштириш бўйича «Йўл харитаси» 5-иловага* мувофиқ тасдиқлансан.

12. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А. Хаджибаев):

а) 2021 йил 1 сентябрга қадар:

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва унинг худудий органларида имтиёзли тоифага кирувчи шахсларга республика миқёсида тиббий хизматларни кўрсатиш, уларнинг мурожаатларини қабул килиш, маслаҳат бериш ва ахборот тақдим этишга мўлжалланган ягона қисқа рақамли бепул «тезкор алоқа»ни йўлга кўйсин;

оилавий шифокор пунктлари, оилавий поликлиникалар ва туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникалари биноларида, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва ихтисослаштирилган муассасаларнинг расмий веб-сайтларида Давлат бюджети маблағлари хисобидан қопланадиган тиббий ёрдамнинг ҳажмлари, ихтисослаштирилган бепул тиббий ёрдамни кўрсатиш шартлари ва тартиби тўғрисидаги маълумотларни жойлаштириш ҳамда тарғибот материалларини тарқатиш чораларини кўрсин;

б) 2021 йил 1 октябрдан бошлаб ихтисослаштирилган муассасаларнинг расмий веб-сайтларида бўлимлар кесимида мавжуд ўринлар сони, шу жумладан бўш ўринлар сони, кўрсатиладиган тиббий хизматлар турлари ва нархлари жойлаштирилишини ва мунтазам янгиланиб борилишини таъминласин;

* 4-5-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

в) Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шахар ҳокимликлари билан ҳамкорликда ихтисослаштирилган муассасаларда имтиёзли тоифага кирувчи шахсларни даволаш бўйича жорий этилаётган механизмларнинг мазмун-моҳияти кенг жамоатчиликка оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар, расмий веб-сайтлар, шунингдек, бошқа ахборот ресурслари орқали, шу жумладан матбуот анжуманлари, брифинглар, пресс-клуб муҳокамаларини ташкил этиш орқали тезкор етказилиши, тушунтирилиши ва кенг ёритилишини таъминласин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim қарорларига 6-иловага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

14. Соғлиқни сақлаш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда конунчилик хужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

15. Ушбу қарорнинг ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб соғлиқни сақлаш вазири А.М. Хаджибаев, унинг ўринбосарлари А.Ш. Иноятов, А.А. Азизов, У.Ю. Собиров, Э.И. Баситханова, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шахар ҳокимлари белгилансин.

Карорнинг ўз вактида ва натижали ижро этилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.А. Мусаев ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Л.Н. Тўйчиев зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан хар чоракда Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот берилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 28 июль,
ПҚ-5199-сон

* 6-илова «Конунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2021 йил 28 июлдаги
ПҚ-5199-сон қарорига
1-ИЛОВА

**2021 йил 1 октябрдан бошлаб Давлат бюджети
маблағлари ҳисобига имтиёзли тоифага кирувчи шахсларни
электрон ахборот тизими орқали ҳисобга олиш ва навбат
асосида даволанишга йўллаш тизимига ўтказиладиган
тиббиёт муассасалари
РЎЙХАТИ**

1. Академик В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази.
2. Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази.
3. Республика ихтисослаштирилган урология илмий-амалий тиббиёт маркази.
4. Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт маркази.
5. Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази.
6. Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази.
7. Академик Ё.Х. Тўрақулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази.
8. Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт маркази.
9. Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази.
10. Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази.
11. Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази.
12. Республика ихтисослаштирилган нейрохирургия илмий-амалий тиббиёт маркази.
13. Республика ихтисослаштирилган онкология ва тиббий радиология илмий-амалий тиббиёт маркази.
14. Болалар миллий тиббиёт маркази.

Изоҳ: Соглиқни сақлаши вазирлигига Молия вазирлиги билан келишиган ҳолда мазкур рўйхатга бошқа тиббиёт муассасаларини киритиш ва колати берилади.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2021 йил 28 июлдаги
ПҚ-5199-сон қарорига
2-ИЛОВА

**2022 йил 1 январдан бошлаб Давлат бюджети маблағлари
ҳисобига имтиёзли тоифага кирувчи шахсларни электрон
ахборот тизими орқали ҳисобга олиш ва навбат асосида
даволанишга йўллаш тизимида ўтказиладиган
тиббиёт муассасалари
РЎЙХАТИ**

1. Республика ихтисослаштирилган нефрология ва буйрак трансплантацияси илмий-амалий тиббиёт маркази.
2. Республика илмий-ихтисослаштирилган аллергология маркази.
3. Вирусология илмий-тадқиқот институти.
4. Республика хирургик ангионеврология ихтисослаштирилган маркази.
5. Республика кўз касалликлари клиник шифохонаси.
6. Республика тери-таносил касалликлари клиник шифохонаси.
7. 2-сонли Республика клиник шифохонаси.
8. Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказининг кўп тармоқли клиникаси.
9. Андижон давлат тиббиёт институти клиникаси.
10. Самарқанд давлат тиббиёт институти клиникаси.
11. Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникаси.
12. Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали клиникаси
13. Тошкент давлат стоматология институти клиникаси.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

444 Узумчиликни ривожлантиришда кластер тизимини жорий этиш, соҳага илғор технологияларни жалб қилишни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида*

Мамлакатимиизда узумчиликни янада ривожлантириш, узум етиштириш, уни қайта ишлаш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича кластер тизимини йўлга қўйиш, алкоголь бозорини тартибга солишининг самарали механизмларини кенг жорий этган ҳолда республикани сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш, соҳанинг экспорт салоҳиятини кучайтириш, инвестицион жозибадорлигини ошириш, шунингдек, виночилик туризмини (энотуризм) ривожлантириш мақсадида:

1. Куйидагилар узумчиликни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

узум етиштиришга ихтисослаштириш учун қулай худудларда энг мақбул майдонларни белгилаш;

халқимизнинг асрлар давомида шаклланган миллий дехқончилик маданияти, қадриятларидан келиб чиқиб, узум етиштиришни миллий маданият сифатида ривожлантириш;

узумчиликни ўирик майдонларда, кластер ва кооперация усулида етиштириш орқали соҳада қўшилган қиймат занжирини яратиш, узумни сақлаш, саралаш ва қайта ишлашни рағбатлантириш;

маҳаллий узум навларининг миллий брендларини яратиш ва янги бозорларга чиқиш орқали экспортни кенгайтириш;

илмий асосланган ҳолда узум етиштириш, унинг янги ҳосилдор, данакиз навларини яратиш мақсадида узумчилик илмий мактабини ривожлантириш ҳамда илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг узвий интеграциясини йўлга қўйиш.

2. Табиий иқлим шароити, аҳолининг дехқончилик маданиятидан келиб чиқиб, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги 1-иловага** мувофиқ 48 та туман узум етиштиришга ихтисослаштирилсин.

Бош вазир ўринбосари Ш. Фаниев, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж. Ходжаев), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаси, вилоятлар ҳокимлеклари ҳамда мутасадди вазирлик ва идоралар ихтисослашган туманлардаги 156 минг гектар майдонда (шу жумладан 2021 йилда 50 минг гектар) узумзорларни барпо этишдан бошлаб, уларни истеъмолчига етказишига қадар узлуксиз тизимни яратиш учун масъул этиб белгилансин.

3. Белгилансинки:

2021 йил 1 августдан бошлаб қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 29 июлда эълон қилинган.

** 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

участкалари (сувориладиган ва суворилмайдиган (лалми) ерлар) токзорлар барпо этиш ва узумчиликни ривожлантириш учун очиқ танлов асосида ижарага берилади;

ер участкалари очиқ танлов натижаларига кўра 30 йил муддатга ижарага берилади;

очиқ танлов асосида ижарага олинган ер участкаларидан фақат токзорлар барпо этиш ва узумчиликни ривожлантириш мақсадида фойдаланилади, ушбу шартнинг бажарилмаслиги ижара шартномасини муддатидан олдин бекор қилиш учун асос бўлади;

ташаббускорларга ажратилган майдонда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тавсиялари асосида сертификатланган ток кўчатларини экиш ва сув тежовчи технологияларни жорий қилиш ҳамда ўсимликларни ҳимоя қилиш борасидаги ваколатли орган тавсиялари асосида ишни ташкил этиш мажбурияти юкланди;

очиқ танловга ер участкалари дехқон хўжаликлари ташкил этган ҳолда токзорлар барпо этиш учун — 0,06 — 1 гектар ўлчамларда, яхлит контурда ийрик токзорлар барпо этиш учун 1 — 30 гектар ўлчамларда чиқарилади.

4. Бош вазир ўринbosарлари Ш. Фаниев, Ж. Кўчкоров, қишлоқ хўжалиги вазири Ж. Ходжаев Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимлари билан биргаликда 48 та туманнинг ҳар бирида тупроқ-икълим шароити узумчилик (хўраки) учун энг қулай бўлган камида 2 000 гектар ер майдонларининг ажратилишини таъминласин.

5. 2021 йил 1 сентябрдан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда икки нафардан ўн нафаргача ходимлардан иборат, юридик шахс мақомига эга бўлмаган, узумчиликни ривожлантириш бўйича доимий лойиха оғислари ташкил этилсин.

Белгилансинки:

лоийха оғислари Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик), Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги ҳамда бошка манфаатдор идораларнинг масъул ходимларини (иш хақи сақланган ҳолда) жалб қилган ҳолда ташкил этилади;

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Агентлик ҳар бир лойиха оғисига Агентликнинг Виночиликни ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан узумчилик ривожланган давлатлардан малакали мутахассисларни жалб қиласди.

Куидагилар лойиха оғисларининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

интенсив усулда, шу жумладан кластер ва кооперация усулида токзорлар ташкил этиш;

ажратилаётган ер майдонларида ташаббускорлар томонидан токзорларни барпо этилишини мониторинг қилиш ҳамда сертификатланган ток кўчатларини экиш бўйича тавсиялар бериш;

токзорлар барпо этишга яроқли ер участкаларини танлаш, уларнинг белгиланган тартибда очиқ танловга чиқарилишини ташкил этиш;

токзорларга кўчатлар, минерал ўғитлар етказиб бериш, агрохизматлар кўрсатиш, маҳсулотни сотишин ташкил этишга кўмаклашиш.

6. Белгилансинки, 2021 йил 1 сентябрдан бошлаб аҳоли томорқаларида, маҳаллаларда узум этиштириши кенгайтиришнинг янги механизми жорий этилсин. Унга кўра, Ўзбекистон фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши Маҳалла ва оиласи қўллаб-кувватлаш вазирлиги билан биргаликда:

аҳоли томорқаларида узум этиштирувчи ташаббускорларни аниқлайди, уларнинг манзилли дастурини шакллантиради;

лойиҳа ташаббускорларига манзилли дастурга асосан Фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-кувватлаш жамғармаси ҳисобидан маблағ ажратади;

«Томорқа хизмати» МЧЖ орқали кооперация усулида тупроқ-иқлим хусусиятларидан келиб чиқиб, узум кўчатларини худудлар кесимида экиш, этиштириш, ўсимликлар ҳимояси хизмати ва маҳсулотни сотиб олиш бўйича «йўл харитаси»ни ишлаб чиқади ва тасдиқлади.

Молия вазирлиги мазкур бандда белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш учун оиласи тадбиркорлик дастури доирасида, жорий йилда кўшимча 100 миллиард сўм кредит ресурсларини ажратсин.

7. Маҳалла ва оиласи қўллаб-кувватлаш вазирлиги (Р. Маматов), Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж. Ходжаев), Ўзбекистон фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши (А. Хайтов) аҳоли томорқаларидан, кўп қаватли уйлар олдидағи ерлардан ҳамда маҳалла ички кўчалари ва катта йўл бўйларидан унумли фойдаланиш мақсадида узум экиши ташкил этиш чораларини кўрсин.

8. 2022 йилдан бошлаб ҳар икки йилда бир маротаба узумчилик йўналишида «энг яхши узум нави», «энг яхши интенсив токзор», «энг яхши маҳаллий узум нави», «энг яхши вино маҳсулоти» каби номинацияларда ўтказиладиган Республика кўрик танлови таъсис этилсин.

Белгилансинки, кўрик танлов ғолибларини пул мукофоти ва бошқа эсадалик совғалар билан тақдирлаш Агентлик, Маҳалла ва оиласи қўллаб-кувватлаш вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда Ўзбекистон фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгашининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда ушбу кўрик танлов низомини тасдиқласин.

9. 2021 йил 1 сентябрдан бошлаб шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) худудларнинг тупроқ-иқлим шароитларидан келиб чиқиб, узум этиштириш, уни куритиш, қадоқлаш, қайта ишлаш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамда экспорт қилишнинг тўлиқ циклини яратиш мақсадида узумчилик ва виночилик кластерлари ташкил этилади;

б) узумчилик ва виночилик кластерлари учун ер майдонлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 8 июндаги «Ер муносабатларида тенглик ва шаффоффликни таъминлаш, ерга бўлган хукуқларни ишончли

ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6243-сон Фармонида белгиланган тартибда ажратилади.

Бунда, ажратиладиган ер майдонлари яхлит контурларда бўлиши на зарда тутилади;

в) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ҳокимлари узумчилик ва виночилик кластерларини қуидаги шартларда танлаш ва фаолиятини йўлга қўйишга масъул хисобланади:

узум етишириш, қадоқлаш, саралаш, қайта ишлаш ва ресурс тежайдиган технологияларни жорий этиш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш юзасидан бизнес-режа ёки техник-иктисодий асос мавжудлиги;

фаолият юритиши учун зарур инфратузилма обьектлари (эгалик ёки фойдаланиш ёхуд тўлиқ мулк хукуқи асосида), шунингдек, малакали кадрлар ва бошқа воситаларнинг мавжудлиги ҳамда молиявий барқарорлиги.

10. Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда Халқаро тараққиёт уюшмаси иштирокида «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш» лойиҳаси шартлари асосида Қишлоқ хўжалиги вазирлиги хузуридаги «Агросервис оператор» ДУКга ажратилган ҳамда фермер хўжаликлари ва тадбиркорлик субъектларига тегишли бўлган 20 гектардан кам бўлмаган ерларда боғ ва токзорларни барпо этиш ҳамда ташаббускорларга бериш тартиби 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансан. Бунда:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимлари интенсив боғ ва токзорлар барпо этиладиган ер майдонларининг очик танлов асосида «Агросервис оператор» ДУКга, фермер хўжаликлари ва тадбиркорлик субъектларига ижарага берилишини таъминлайди, «Агросервис оператор» ДУК ва ташаббускорлар ўртасида шартнома тузилади;

фермер хўжаликлари ва тадбиркорлик субъектлари ижара шартномаси асосида ўзларига тегишли бўлган ерларда боғ ва токзорлар ташкил этиш тўғрисида оператор корхона билан шартнома тузади, шартномада «тайёр холда» топшириш тамойили асосида боғ ва токзорлар ташкил этилиб, 20 фоиз олдиндан, қолган 80 фоизини 7 йил давомида бўлиб тўлаш шарти белгиланди;

«Агросервис оператор» ДУК ўзига ҳамда фермер хўжаликлари ва тадбиркорлик субъектларига ижарага берилган камида 20 гектар ер майдонларида замонавий, ресурс тежайдиган технологияларга асосланган интенсив боғ ва токзорлар ташкил қиласди.

11. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж. Ходжаев) Молия вазирлиги (Т. Ишметов) билан биргаликда замонавий кўчатхоналар барпо қилиш, сертификатланган узум плантацияларини ташкил этишини молиялаштириш учун Жаҳон банкининг қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш лойиҳаси доирасида 100 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағларни тижорат банкларига ажратиш чораларини кўрсинг. Бунда:

ушбу маблағлар миллий валютада тегишинча Агентлик ҳамда Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги тавсиялари

* 2-илова «Конунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

асосида Марказий банкнинг асосий ставкасида тижорат банкларига ресурс сифатида жойлаштирилади;

тижорат банклари 10 йил муддатга (5 йиллик имтиёзли давр билан) 3 фоиздан кўп бўлмаган маржа билан тижорат кредити ажратади;

ажратиладиган кредит фоиз ставкасининг Марказий банк асосий ставкасидан ошадиган, бироқ 5 фоизли пунктдан ортиқ бўлмаган қисми Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-кувватлаш давлат жамғармаси ҳисобидан қоплаб берилади.

12. Молия вазирлиги (Т. Ишметов) республика бюджетидан Агентликнинг Виночиликни ривожлантириш жамғармасига ҳамда Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлигининг Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармасига ҳар йили қўшимча 100 миллиард сўмгача субсидия маблағларини ажратсин. Бунда, ажратилган маблағлар ҳисобидан:

а) яратилаётган ҳар 10 гектар майдондаги узум ва мевали боғлар плантацияларига сув чиқариш учун бурфиланган қудук, шунингдек, дарёлар, каналлар ҳамда бошқа сув ҳавзаларидан сувни тортиш мақсадида насос станциясини қуришга ҳар бир метри учун 600 минг сўмдан, аммо 120 миллион сўмдан ошмайдиган миқдорда Давлат геология ва минерал ресурслар кўмитасининг тегишли далолатномасига асосан;

б) янги интенсив боғ ва токзорларда томчилатиб суғориш технологияларини жорий қилиш, бурфиланган қудук, шунингдек дарёлар, каналлар ҳамда бошқа сув ҳавзаларидан сувни тортишга насос станциясини қуриш ишларини лойиҳалаштириш харажатларининг бир қисмини қоплаш мақсадида ҳар бир лойиҳага 10 миллион сўмгача;

в) аҳоли яшаш пунктларидан узоқ ҳудудларда жойлашган 10 гектардан кам бўлмаган лалми ва фойдаланишдан чиқсан ерларда узум ва мевали боғлар плантацияларини ташкил этиш учун қайта тикланувчи, муқобил электр энергияси (қуёш, сув, шамол) билан таъминлаш ускуналарини сотиб олиш харажатларнинг 50 фоизигача, бироқ 100 миллион сўмдан ортиқ бўлмаган миқдорда;

г) маҳаллий шароитда «in-vitro» усулида етиштирилган ҳар бир дона ток кўчати ва пайвандтагли ток кўчати учун 5 минг сўм миқдорида;

д) маҳаллий ишлаб чиқарувчи кластерлар томонидан экспорт қилинган ҳар бир литр узум ва мева-резаворлардан тайёрланган табиий равишда ачитилган табиий вино (этил спирти қўшилмаган ҳолда) ҳамда бренди учун 5 минг сўмдан кўп бўлмаган миқдорда;

е) узум кўчатларини шпалерга (ёғоч ва бошқа синувчан устунлардан ташқари) кўтариш харажатларининг бир қисмини қоплаш мақсадида бир дона шпалерга 15 минг сўмдан ортиқ бўлмаган миқдорда;

ё) майиз қуритиш ва қадоқлаш линиялари ҳамда виночилик асбоб-ускуналарини харид қилиш харажатларининг 20 фоизи, бироқ 300 миллион сўмдан ортиқ бўлмаган миқдорда субсидия ажратилади.

Белгилансинки, мазкур банднинг «а» кичик бандида назарда тутилган имтиёз олдин ҳар 35 гектар майдонда узум ва мевали боғлар план-

тацияларига сув чиқариш учун бурғиланган қудук, шунингдек, дарёлар, каналлар ҳамда бошқа сув ҳавзаларидан сувни тортиш мақсадида насос станциясини қуришга субсидия олган тадбиркорлик субъектларига янгидан қудук қазиш ҳамда насос станциясини қуриш шарти билан татбик этилади.

13. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

2022 йил 1 январдан бошлаб маҳаллий ишлаб чиқарилган узум ва мева-резаворлардан тайёрланган табиий равишда ачитилган табиий вино (этил спирти қўшилмаган ҳолда) ва кўпикланадиган винонинг 1 далига акциз солиғи 1 сўм этиб белгиланади;

2021 йил 1 августдан 2024 йил 1 январгача бўлган муддатда импорт қилинаётган, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган узумчилик ва виночилик соҳасида қўлланадиган хом ашё, ускуналар, маҳсус техникалар, эҳтиёт қисмлар, шунингдек, эман бочкалар ва зангламайдиган сифимлар (йифилмаган ва тайёр шаклда) ҳамда уларнинг бутловчи қисмлари 3-иловага* асосан божхона божидан озод этилади.

Агентлик икки ой муддатда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқарилган узум ва мева-резаворлардан тайёрланган табиий равишда ачитилган табиий вино (этил спирти қўшилмаган ҳолда) ва кўпикланадиган винонинг 1 далига акциз солиғини 1 сўм этиб белгилаш бўйича Солик кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсан.

14. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж. Ходжаев) Молия вазирлиги билан биргаликда мазкур қарорга 1-иловадаги узум плантациялари ташкил этишини молиялаштириш учун келгуси уч йилда ҳар йили халқаро молия институтларининг 100 миллион доллардан имтиёзли кредитларини жалб этиш чораларини кўрсин.

15. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж. Ходжаев) Инновацион ривожланиш вазирлиги (И. Абдурахманов) билан биргаликда:

бир ой муддатда Қишлоқ хўжалигига билим ва инновациялар миллий маркази илмий-тадқиқот институтларининг ер майдонларида камида 500 гектар тупроқ-иқлим шароитига мос бўлган, уруғиз, совуққа чидамли, экспортбоп ва пайвандтагли узум кўчатлари этиштиришни;

2021-2022 йилларда узумнинг ҳосилдорлиги юкори, совуққа ва касалликка чидамли ҳамда данаксиз янги навларини яратиш мақсадида Россия, Чили, Туркия, Италия ва бошқа мамлакатларнинг илмий муассасалари билан ҳамкорликни ташкил этсин;

янгидан ташкил этиладиган токзорларга мақсадли кўрсаткичлар асосида субсидия ажратиш механизmlарини такомиллаштириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсан.

16. Инновацион ривожланиш вазирлиги ва Қишлоқ хўжалиги вазирлиги бир ой муддатда узумнинг вируслардан холи, сертификатланган, уруғиз, совуққа чидамли, экспортбоп, янги навларини яратиш, уларнинг кўчаторларини ташкил этиш, зараркунанда ҳамда касалликларга қарши кура-

* 3-илова «Конунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

шиш, инновацион технологияларни жорий қилишга оид грантлар танлови-ни эълон қилсин.

17. Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги (А. Тошқулов) Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж. Ходжаев) билан биргаликда 2021 йил якунига қадар Жиззах давлат университети ҳамда Фарғона давлат университетида узумчилик ва виночилик ривожланган хорижий давлатлар олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда қўшма факультет ташкил этсин.

18. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (А. Воитов) халқаро маркетинг компанияларини жалб қилган ҳолда маҳаллий хўраки узум навлари, майиз ва табиий винонинг миллий бренд сифатида Хитой, Корея, Бирлашган Араб Амирликлари, Европа давлатлари ва бошқа мамлакатларга экспортини ташкил этиш мақсадида:

хориждан малакали маркетологларни жалб қилсин;

ҳар бир худудда салоҳиятли экспортёрларни аниклаб, уларнинг маҳсулот етиширувчилар билан ўзаро ишонч ва шартномавий муносабатларга асосланган тизимли ҳамкорлигини йўлга қўйсин;

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг хориждаги бўлинмали-ри, савдо-иктисодий масалалар бўйича котибларни жалб қилган ҳолда хорижий давлатларнинг улгуржи савдо ташкилотлари билан маҳсулот хари-дига доир битимлар тузилишини ташкил этсин;

узум ва узум маҳсулотлари экспортини ривожлантиришга қаратилган бошқа тадбирларни назарда тутувчи 2021 — 2023 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиб, унинг ижросини таъминласин.

Ўсимликлар карантини ва химояси агентлиги (И. Эргашев) кўрсатиб ўтилган мамлакатларга маҳаллий хўраки узум навлари ва майизни экспорт қилиш бўйича музокаралар ўтказсин ҳамда мавжуд талабларни тадбиркор-лик субъектларига етказиш чораларини кўрсин.

19. Узумчилик ва виночиликни ривожлантириш бўйича «Йўл харита-си» 4-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

20. «Эл-юрт умиди» жамғармаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда 2022 йил 1 марта қадар илмий ходимлар, соҳа мутахассисла-ри ҳамда узум етиширувчилар ва қайта ишловчиларни «Эл-юрт умиди» жамғармаси ҳамда халқаро молия институтлари грант маблағлари хисоби-га узумчилик ривожланган хорижий мамлакатларга узоқ ва қисқа муддат-ли стажировка, малака ошириш ва ўқишига юбориш чораларини кўрсин.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Агрохизматлар марказлари учун етук кадрларни тайёрлаш, уларни доимий малакасини ошириш орқали кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш учун ажратилган маблағлар хисобидан узумчи-лик йўналишидаги мутахассисларнинг хорижий мамлакатларда малакасини мунтазам равишида оширишни таъминласин.

21. Аҳоли саломатлигини таъминлаш, алкоголдан заҳарланиш ҳолатла-рининг олдини олиш, техник талабларга жавоб бермайдиган, ноконуний ва қўлбола усулда тайёрланган алкоголь маҳсулотлари айланмасига қарши курашиш самараадорлигини ошириш мақсадида Алкоголь маҳсулотларини

* 4-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

конунга хилоф равишда тайёрлаш ва уларнинг айланмасига қарши курашиш Кенгashi (кейинги ўринларда — Кенгаш) 5-иловага* мувофиқ таркибда ташкил этилсин. Бунда, Давлат солик қўмитаси Кенгашнинг ишчи органи этиб белгилансин.

Кенгашга қўйидаги вазифалар юклатилсин:

назорат қилувчи ва бошқа ваколатли давлат органларининг маҳсулотларни ноқонуний ишлаб чиқариш ва реализация қилишнинг олдини олишга қаратилган фаолиятини мувофиқлаштириш;

ваколатли органлар томонидан ишончли маълумотлар мавжуд бўлган холларда тегишли рухсатномаларсиз ишлаб чиқарилган ёки сотилаётган, акциз маркалари бўлмаган ёки қалбакилаштирилган алкоголь ва тамаки маҳсулотларини аниқлаш тадбирларини ишлаб чиқиш;

истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун лицензияга эга корхоналар томонидан ноқонуний, қалбаки, қўлбода ва сифатсиз маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳолатлари аниқланган тақдирда, уларга нисбатан лицензияни бекор қилишгacha бўлган таъсир чоралари кўрилиши бўйича таклифлар киритиш;

алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар ҳамда алкоголь маҳсулотлари савдо ташкилотларидан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ўз вақтида ва тўлиқ тушишини таҳлил қилиб, келгусидаги ҳаракат дастурларини белгилаш.

22. Агентликнинг тузилмасида мавжуд штат бирликлари доирасида соҳага инновацияларни жалб этиш, саноатни ривожлантириш, вино туризми, ташқи иқтисодий фаолият ва инвестиция бўйича директор ўринбосари лавозими жорий этилсин. Унга энотуризмни ривожлантириш, соҳага оид инновацияларни, илмий-техник ютуқларни кенг жалб қилиш вазифаси юклатилсин.

23. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига мазкур қарорнинг ижроси бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисида вазирлик ва идоралар ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ҳокимликларининг ахборотларини ҳар чорак якуни билан Сенат ва тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳамда ҳалқ депутатлари вилоят Кенгашларининг мажлисларида эшитиб боришни ташкил қилиш тавсия этилсин.

24. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (А. Ходжаев), Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А. Хаджаев), Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (А. Кўчимов) Агентлик билан биргаликда мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти ҳамда мақсад ва вазифаларининг оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминласин.

25. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатларига 6-иловага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

26. Агентлик Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган

* 5-6-иловалар «Конунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

27. Мазкур қарорнинг ижросини таъминлашда масъул ва шахсий жавобгар этиб қишлоқ хўжалиги вазири Ж.А. Ходжаев, қишлоқ хўжалиги вазири ўринbosари А.М. Тўраев ва Агентлик директори Р.М. Бобоев белгилансин.

Қарор ижросини ҳар чоракда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Бош вазир ўринbosарлари Ш.М. Фаниев, Ж.А. Кўчқаров, С.У. Умурзаков зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 28 июль,
ПҚ-5200-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҶАРОРИ**

445 Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблея- сининг 2021 йил 18 майдаги «Оролбўйи минтақаси- ни экологик инновациялар ва технологиялар худуди деб эълон қилиш тўғрисида»ги маҳсус резолюциясини амалга ошириш чоралари тўғрисида*

БМТ Бош Ассамблеясининг 2021 йил 18 майдаги «Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар худуди деб эълон қилиш тўғрисида»ги маҳсус резолюциясида белгиланган устувор вазифаларнинг амалий ижросини таъминлаш, Оролбўйи минтақасини экологик ва гуманитар инқироз юз берадиган худуддан экологик инновациялар ва технологиялар худудига айлантириш мақсадида:

1. Маълумот учун қабул қилинсинки, Ўзбекистон Республикаси ташаббуси билан БМТ Бош Ассамблеясининг 2021 йил 18 майдаги 75-сессиясида «Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар худуди деб эълон қилиш тўғрисида»ги маҳсус резолюцияси (кейинги ўринларда — маҳсус резолюция) қабул қилинган.

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 30 июлда эълон қилинган.

2. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг махсус резолюцияда белгиланган вазифаларни амалга ошириш, шунингдек, Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар худудига айлантириш мақсадида қўйидаги таклифлари маъқуллансин:

а) Оролбўйи минтақасида сиёсий-хуқукий инновациялар орқали таркибий ва трансформацион ўзгаришлар учун қулай муҳит яратиш ҳамда институционал базани ривожлантириш (масъул — Инновацион ривожланиш вазирлиги).

Инновацион ривожланиш вазири И. Абдурахмонов:

Нукус шахрида «Ёш олимлар академияси»ни ҳамда ёш олимлар, стартап лойиҳалар эгалари, тадқиқотчиларни кўллаб-куватлаш бўйича Ёшлар технопаркини ташкил этсин;

Оролбўйи халқаро инновация маркази хузурида ўсимликлар уруғлари генбанки билан таъминланган лаборатория, бизнес-акселератор ўкув маркази очилишини таъминласин;

б) Оролбўйи минтақасида экологик барқарорликни таъминлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни ракамлаштириш ва инновацион ёндашувларни амалга ошириш (масъул — Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси).

Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси А. Максудов:

йўқолиб кетиш ҳавфи остида бўлган ўсимлик ва ҳайвонот дунёси обьектларининг электрон хариталаш ва маълумотлар базаси яратилишини;

чиқиндиларни қайта ишлаш, полигонларни рекультивация қилиш ва экологик тоза энергия ишлаб чиқарилишини таъминласин;

в) Оролбўйи минтақасида ижтимоий соҳани ривожлантириш ва аҳолини кўллаб-куватлашнинг инновацион технологиялари ҳамда механизмларини жорий қилиш (масъул — Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги).

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирининг биринчи ўринбосари И. Норқулов:

шахсларнинг юзи бўйича аниқлаш технологиясини жорий этишни;

қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиб автоном ичимлик шўр сувни тузсизлантириш технологиясини ишлаб чиқишни таъминласин;

г) Оролбўйи минтақасида иқтисодий ва молиявий инновацион механизмлардан кенг фойдаланиш, иқтисодиёт тармоқларида ресурсларни тежовчи, «яшил» ва циркуляр (чиқиндисиз, регенератив ва самарали) замонавий инновацион технологияларни кенг татбиқ қилиш (масъул — Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги).

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг биринчи ўринбосари А. Воитов:

Қорақалпоғистон Республикасида 2,5 минг гектар майдонда пахта, ғалла, кунжут, маккажӯхори ва чорва озуқаси экинларини суғоришда ёмғирлатиб суғориш тизимини жорий этсин;

синов лабораторияларини модернизация қилсин (озиқ-овқат, қишлоқ хўжалиги, электротехника, енгил саноат) ҳамда намуналарни лабораторияга етказиш бўйича логистика хизматини йўлга қўйисин;

д) Оролбўйи минтақасида илм-фанни ривожлантириш, илмий тадқиқотлар ўтказиш, интеллектуал мулк обьектларининг яратилиши хуқуқий ҳимоясини таъминлаш ҳамда илмий-инновацион ишланмаларни жорий қилишда маҳаллий ва халқаро ҳамкорликни кўллаб-қувватлаш (масъул — Инновацион ривожланиш вазирлиги);

Инновацион ривожланиш вазири И. Абдурахмонов:

Қорақалпоғистон экологик харитасини яратиш ва шу асосида экотуризмни самарали ташкил этиш механизмини ишлаб чиқсин;

шўрланган тупроқлар балл бонитетини аниқлаш мақсадида олий таълим муассасалараро комплекс биокимёвий таҳлил марказини ташкил этсин;

е) маҳсус резолюция ва мазкур қарорда белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда хорижий инвестицияларни жалб этиш (масъул — Ташки ишлар вазирлиги).

Ташки ишлар вазирининг ўринбосари F. Фозилов:

ташки кўмак маблағларини ажратувчи донор мамлакатлар, халқаро ташкилотлар, молия институтлари, жамғармалар ва компаниялар билан БМТнинг Оролбўйи минтақаси учун Инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик траст жамғармасига ресурсларни мобилизация қилиш бўйича ҳамкорликни ривожлантиришга кўмаклашсин;

Оролбўйи минтақасидаги ижтимоий-иктисодий ва экологик масалалар тўғрисида видеороликлар ишлаб чиқсин ҳамда чет эл оммавий ахборот воситаларида ва ижтимоий тармоқларда жойлаштирсин;

ж) Оролбўйи минтақасида инновацион лойиҳаларни молиялаштиришнинг ички манбаларини шакллантириш ва мувофиқлаштириш (масъул — Молия вазирлиги).

Молия вазири Т. Ишметов:

Давлат бюджетининг 2022 йил ва ундан кейинги йиллар учун тасдиқланадиган харажатлар параметрларида мазкур қарор билан тасдиқланаётган «Йўл харитаси» ва инновацион лойиҳалар рўйхатида белгиланган тадбирларни молиялаштириш учун зарур маблағлар ажратилишини таъминласин;

Тошкент шахридаги йирик тадбиркорлик субъектларига Қорақалпоғистон Республикасида экологик инновациялар ва технологияларни татбиқ қилишга қаратилган лойиҳаларни амалга оширишга амалий ёрдам кўрсатсин.

3. Куйидагилар:

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 2021 йил 18 майдаги 75-сессиясида «Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилиш тўғрисида»ги маҳсус резолюциясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш «Йўл харитаси» (кейинги ўринларда — «Йўл харитаси») 1-иловага* мувофик;

* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 2021 йил 18 майдаги 75-сессиясида «Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар худуди деб эълон қилиш тўғрисида»ги маҳсус резолюциясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича устувор инновацион лойиҳалар рўйхати (кейинги ўринларда — инновацион лойиҳалар) 2-иловага* мувофиқ;

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 2021 йил 18 майдаги 75-сессиясида «Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар худуди деб эълон қилиш тўғрисида»ги маҳсус резолюциясини амалга ошириш бўйича Идоралараро комиссия таркиби (кейинги ўринларда — Идоралараро комиссия) 3-иловага* мувофиқ;

«Йўл харитаси» ва инновацион лойиҳаларда белгиланган тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли ижросини таъминлаш, мониторинг ҳамда назоратини амалга ошириш учун идоралараро ишчи гурухлари (кейинги ўринларда — ишчи гурухлари) таркиблари 4-иловага* мувофиқ тасдиқлансан.

4. Куйидагилар Идоралараро комиссиянинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

мазкур қарор ҳамда маҳсус резолюцияда белгиланган вазифалар ва чора-тадбирлар ижросининг амалга оширилишини ташкил қилиш, масъул ижрочиларнинг ҳисботларини эшлиши ва муҳокама қилиш;

ташқи кўмак маблағларини ажратувчи донор мамлакатлар, халқаро ташкилотлар, молия институтлари, жамғармалар ва компаниялар маблағларини мазкур қарор ҳамда маҳсус резолюцияда белгиланган вазифалар ва чора-тадбирларнинг ижросини амалга ошириш учун жалб қилишда кўмаклашиш;

мазкур қарор ҳамда маҳсус резолюцияда белгиланган вазифаларнинг ижроси ҳамда натижалари тўғрисида жаҳон ҳамжамияти ва жамоатчилик хабардорлигини ошириш ишларини ташкиллаштириш;

ишчи гурухлари фаoliятини самарали мувофиқлаштириш, уларнинг амалга оширилган ишлар тўғрисидаги ҳисботларини ҳар чоракда эшишиб бориш ва улар олдидаги аниқ вазифаларни белгилаш.

5. Вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши билан биргаликда вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ташаббускор тадбиркорлик субъектлари томонидан Қорақалпоғистон Республикасида экологик инновациялар ва технологияларни татбик қилишга қаратилган лойиҳаларнинг амалга оширилишида амалий кўмак берсинг.

6. Инновацион ривожланиш вазирлиги (И. Абдурахмонов), Ташқи ишлар вазирлиги (Ф. Фозилов), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (А. Воитов, Б. Абидов), Оролбўйи халқаро инновация маркази (Н. Мирзамуратов) 2021 йил ноябрь ойида Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар худудига айлантириш масалаларига бағишиланган халқаро конференцияни ташкил қилиш ва ўтказиш чораларини кўрсинг.

7. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (А. Воитов) Ташқи ишлар

* 2 — 4-иловалар «Конунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

вазирлиги (Ф. Фозилов) ва Инновацион ривожланиш вазирлиги (И. Абдурахмонов) билан биргаликда:

вазирлик, идора ва ташкилотлар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига ташқи кўмак маблағларини ажратувчи донор мамлакатлар, халқаро ташкилотлар, молия институтлари, жамғармалар ва компаниялар маблағларини жалб қилиш ҳамда инновацион лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтиришда кўмаклашсин;

икки ой муддатда «Оролбўйи миңтақаси — экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди» концепцияси ҳамда «Оролбўйи миңтақасини барқарор ривожлантириш бўйича кўп томонлама «Йўл ҳаритаси»ни тасдиқлашни назарда тутувчи ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. Олий Мажлис палаталарига мазкур қарор ҳамда маҳсус резолюция доирасида амалга оширилаётган ишларнинг натижадорлиги тўғрисида таъсирчан ва мунтазам парламент назоратини ўрнатиш тавсия этилсин.

9. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясига вазирлик, идора ва ташкилотлар билан биргаликда ушбу қарорнинг мазмун-моҳияти, максад ва вазифалари ҳамда унинг доирасида эришилган натижаларнинг доимий равишда оммавий ахборот восита-ларида кенг ёритиб борилишини таъминласин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб инновацион ривожланиш вазири И. Абдурахмонов, молия вазири Т. Ишметов, Экология ва атроф-мухитни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси раиси А. Максудов, инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг биринчи ўринбосари А. Воитов, иқтисодий тараққиёт ва камбаражликни қисқартириш вазирининг биринчи ўринбосари И. Норқулов, ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Ф. Фозилов ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси К. Сариев белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари С.У. Умурзаков зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан ҳар йили 1 январгача Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот бериб борилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 29 июль,
ПҚ-5202-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

**446 Олий таълим ташкилотларида таълим олиш имко-
ниятларини янада кенгайтириш чора-тадбирлари
тўғрисида***

Олий таълим ташкилотларида таҳсил олиш истагидаги ёшларнинг таълим олиши учун кенг имкониятлар тақдим этиш, тўлов-контракт асосида ўқиётган ҳар бир талабага билим олиш учун қулай шароитлар яратиш, ёшларнинг илм-фанга бўлган интилишларини янада рафбатлантириш ва ёшларни молиявий қўллаб-куvvatлаш мақсадида:

1. 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб республикадаги барча олий таълим ташкилотлари бакалавриатининг кундузги таълим шаклида ҳамда магистратура босқичида тўлов-контракт асосида таҳсил олиш учун таълим кредити ажратишнинг янги тизими йўлга қўйилсин.

Белгилансинки:

тижорат банклари Молия вазирлиги томонидан жойлаштириладиган ресурслар хисобидан таълим кредитларини Марказий банкнинг асосий ставкасида ажратади;

таълим кредитининг асосий қисми талабанинг расмий ўқиш муддати тугагандан сўнг еттинчи ойдан бошлаб 7 йил давомида қайтарилади;

таълим кредитини расмийлаштиришда ва унинг қайтарилишида талабанинг доимий даромад манбаига эга бўлган оила аъзолари биргаликда қарз олувчи сифатида қатнашишига рухсат этилади;

«Ижтимоий химоя ягона реестри»га кирган оилалар фарзандларидан таълим кредити учун гаров ва кафилликлар талаб этилмайди.

2. Таълим кредитлари бўйича тижорат банкларини молиявий ресурслар билан таъминлаш учун Молия вазирлиги ҳузурида Таълим кредитини молиялаштириш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) ташкил этилсин.

Жамғармага Давлат бюджетидан 2021 йилда камида 1 триллион сўм, кейинги йилларда ҳақиқий талабдан келиб чиқиб маблағлар ажратилсин.

Жамғарма маблағларини шакллантириш манбалари этиб қўйидагилар белгилансин:

Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар;

Жамғарма томонидан аввал ажратилган ресурсларнинг қайтишидан тушадиган маблағлар ва улардан олинадиган фоиз тўловлари;

Жамғарманинг вақтинча бўш маблағларини тижорат банклариға жойлаштириш ҳисобига фоизли тушумлар;

Халқаро молия институтларининг имтиёзли кредитлари, ҳомийлик, грант маблағлари ва қонунчилик хужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

3. Белгилаб қўйилсинки:

Жамғарма юридик шахс мақомига эга бўлмаган ҳолда Молия вазирли-

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 30 июлда эълон қилинган.

гида алоҳида очиладиган шахсий ғазна ҳисобварафи шаклида ташкил этилади;

Жамғарма фаолияти Молия вазирлиги марказий аппаратига ажратиладиган З та штат бирлигидан иборат бўлинма томонидан амалга оширилади;

Жамғарма маблағлари ҳисобига тижорат банкларининг сўровларига асосан уларга Марказий банкнинг асосий ставкасида таълим кредити ажратиш учун мазкур ставкадан 4 фоиз бандга паст бўлган ставкада ресурслар ажратилади;

Марказий банкнинг асосий ставкаси пасайтирилган тақдирда, ресурс маблағлари ва таълим кредити бўйича фоиз ставкаси мутаносиб равиша пасайтириллади, оширилган тақдирда эса ўзгаришсиз қолади.

4. Вазирлар Махкамаси икки ҳафта муддатда қуидагиларни назарда тутувчи Молия вазирлиги хузурида Таълим кредитини молиялаштириш жамғармаси ҳисобидан олий таълим ташкилотларида тўлов-контракт асосида ўкиш учун таълим кредитларини ажратиш тўғрисидаги низомни тасдиқласин:

таълим кредитлари бўйича юзага келадиган кредит таваккалчилигини Молия вазирлиги ва тижорат банклари ўртасида тақсимлаш ҳамда Жамғармадан ажратилган маблағларнинг бир қисмини тижорат банклари томонидан гаров депозити сифатида қабул қилиш;

республикадаги давлат олий таълим муассасалари, хусусий ва хорижий олий таълим ташкилотлари ҳамда уларнинг филиаллари талабаларига контракт тўловлари учун кредит ажратиш;

Жамғарма томонидан таълим кредитлари учун маблағлар ажратишда тижорат банкларига қўйиладиган мувофиқлик мезонларини ўрнатиш.

5. Молия вазирлиги Жамғармага 2021 йилда маблағларнинг Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари маблағлари, бюджетни қўллаб-кувватлаш учун жалб қилинадиган халқаро молия институтлари ва хорижий хукумат молия ташкилотларининг кредитлари, суворен халқаро облигацияларни чиқариш ва қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан ажратилишини, 2022 йилдан бошлаб эса Давлат бюджети параметрларида назарда тутилишини таъминласин.

6. Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Махкамасига таклифлар киритсин.

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.А. Мусаев, олий ва ўрта маҳсус таълим вазири А.Х. Тошкулов ҳамда молия вазири Т.А. Ишметов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 30 июль,
ПҚ-5203-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

447 Кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга мухтоҷ оилалар фарзандларини қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида*

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган тизимили ишларни давом эттириш ҳамда моддий ёрдам ва кўмакка мухтоҷ оилаларнинг фарзандларини кийим-бosh тўпламлари, мактаб формаси ва ўқув қуроллари билан таъминлаш харажатларини бюджет маблағлари ҳисобидан қоплаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 июлдаги «Ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ижтимоий фаоллигини яна-да оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-6260-сон Фармонида «Темир дафтар»га киритилган оилаларнинг 18 ёшгача бўлган ҳар бир фарзанди учун Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан 500 минг сўм миқдорида бир марталик моддий ёрдам кўрсатилиши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2021 йилнинг август ойида аҳолининг қўйидаги қатламларига 500 минг сўм миқдорида бир марталик моддий ёрдам (кейинги ўринларда — бир марталик моддий ёрдам) кўрсатилсин:

бокувчисини йўқотганлик пенсияси ёки нафақасини оловчи оилаларнинг 18 ёшга тўлмаган фарзандларига;

ногиронлиги бўлган 18 ёшга тўлмаган болаларга.

2. Мазкур карорнинг 1-бандида назарда тутилган тадбирларни молиялаштириш манбалари этиб қўйидагилар белгилансин:

«Темир дафтар»га киритилган оилаларнинг 18 ёшгача бўлган фарзандларига бир марталик моддий ёрдам пулларини тўлаш харажатлари — республика бюджети маблағлари;

бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ва бошқа органлардан бокувчисини йўқотганлик пенсияси ёки нафақасини оловчи оилаларнинг 18 ёшга тўлмаган фарзандларига, шунингдек, ногиронлиги бўлган 18 ёшга тўлмаган болаларга бир марталик моддий ёрдам пулларини тўлаш харажатлари — бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳамда вазирлик ва идораларга ажратилган бюджет маблағлари.

3. Қўйидагилар бир марталик моддий ёрдамнинг ушбу қарорга мувофиқ мақсадли ва манзилли етказилишини таъминлаш юзасидан шахсан масъул этиб белгилансин:

Корақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) ҳокимлари, сектор раҳбарлари ҳамда Махалла ва оиласи қўллаб-қувватлаш вазирлигининг худудий бўлинмалари раҳбарлари — «Темир дафтар»га киритилган оилаларнинг 18 ёшгача бўлган

* Ушбу қарор «Конунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 31 июлда эълон қилинган.

фарзандлари сонидан келиб чиқиб, тўлов ведомостлари шакллантирилиши ҳамда туман (шаҳар) маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлимлари орқали уларга моддий ёрдам пулларининг жорий йил 25 августга қадар манзилли етказилишини таъминлаш ва назорат қилиш бўйича;

бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Миллий гвардия, Давлат хавфсизлик хизмати, Давлат божхона қўмитаси, суд ҳокимиятининг олий органларидан — тегишлилиги бўйича бокувчисини йўқотганлик пенсияси ва нафақаси олувчи оиласарнинг 18 ёшга тўлмаган фарзандларига, шунингдек, ногиронлиги бўлган 18 ёшга тўлмаган болаларга бир марталик моддий ёрдам пулларининг пенсияларни (нафақаларни) тўлаш учун белгиланган муддатларда ва манзилли етказилишини ташкил этиш бўйича;

Молия вазирлиги — зарур маблағларнинг Ўзбекистон Республикаси республика бюджети ва бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасидан ўз вақтида ажратилиши бўйича.

4. Молия вазирлиги Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги билан биргаликда ушбу қарор максади ва вазифаларини оммавий ахборот воситаларида ва Интернет тармоғида кенг ёритиш ишларини ташкил қилсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб молия вазири Т.А. Ишметов белгилансин.

Қарор ижросини мухокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Кўчкоров зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентига 2021 йил 1 октябрга қадар ахборот берилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

III. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 30 июль,
ПҚ-5204-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

**448 Хорижга ташкиллаштирилган меҳнат миграциясига
кетаётган фуқароларни рағбатлантириш бўйича
қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида***

Вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун хорижга жўнаб кетаётган фуқароларнинг хуқуқ ва манфаатлари химоя қилинишини таъминлаш, уларга зарур хукукий, ижтимоий, ахборот-маслаҳат ёрдами кўрсатиш ва моддий қўллаб-қувватлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш мақсадида:

1. Кўйидагилар:

а) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 11 августдаги «Камбағал ва ишсиз фуқароларни тадбиркорликка жалб қилиш, уларнинг меҳнат фаоллигини ошириш ва касб-хунарга ўқитишга қаратилган ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4804-сон қарорига мувофиқ:

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига таълим ташкилотлари-нинг меҳнат органлари йўлланмаси билан юборилган ишсиз фуқароларни касб-хунар, тадбиркорлик асослари ва хорижий тилларга ўқитиш билан боғлиқ харажатларини Бандликка қўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари хисобидан қоплашга рухсат берилганлиги;

«Ишга марҳамат» мономарказлари ҳамда касб-хунарга ўқитиш марказларида битирувчиларнинг касбий малакасини WorldSkills стандартлари асосида баҳолаш, шунингдек, баҳолашдан муваффақиятли ўтган битирувчилар Skills паспортини бериш амалиёти йўлга қўйилганлиги;

б) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 мартағи «Вақтинчалик меҳнат фаолиятини олиб бориш учун республика ҳудудидан транспорт орқали чет элга жўнаб кетиши вақтида Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3584-сон қарорига мувофиқ 2021 йил 8 июня қадар меҳнат миграциясига кетаётган фуқароларга Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги хузуридаги маҳсус кассалар орқали авиабилетларни имтиёзли тарифлар бўйича сотиб олиш хукуки берилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2021 йил 1 сентябрдан бошлаб 2022 йил 1 сентябрга қадар Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи фуқароларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг хуқуқ ва манфаатларини химоя қилиш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) маблағлари хисобидан «labor-migration» дастурий мажмуасида рўйхатдан ўтган, касб-хунар ёки хорижий тилларга ўқиган ва ташкиллаштирилган меҳнат миграциясига кетаётган фуқароларга:

* Ушбу карор «Конунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 31 июлда эълон қилинган.

хорижий тиллар ёки касб бўйича малака имтиҳонларини топшириш билан боғлиқ харажатларини қоплаш учун, башарти улар муваффақиятли топширилганда — базавий ҳисоблаш микдорининг уч бараваригача микдорда;

йўл чиптасини харид қилиш билан боғлиқ харажатларини қоплаш учун — базавий ҳисоблаш микдорининг икки бараваригача микдорда;

ривожланган давлатларда меҳнат фаолиятини амалга оширишга «ишли виза»ни расмийлаштириш билан боғлиқ харажатларини қоплаш учун — базавий ҳисоблаш микдорининг беш бараваригача микдорда компенсация тўланади.

Бунда:

а) мазкур бандда назарда тутилган компенсацияни олиш учун меҳнат миграциясига кетаётган фуқаро «labor-migration» дастурий мажмуаси орқали масофавий тарзда ёки бевосита Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги ва Бандликка кўмаклашиш марказларига ариза билан мурожаат қиласди;

б) ариза Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги томонидан 1 иш куни ичida кўриб чиқилади;

в) фуқарога мазкур бандда назарда тутилган компенсацияларни тўлаш асосли деб топилганда:

хорижий тиллар ёки касб бўйича малака имтиҳонларини топшириш билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун компенсация суммаси фуқаро томонидан аризада кўрсатилган имтиҳон ўтказиладиган ташкилотларнинг ҳисоб рақамига;

йўл чиптасини харид қилиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун компенсация суммаси фуқаро томонидан аризада кўрсатилган йўл чиптасини сотадиган касса ёки транспорт ташкилотининг ҳисоб рақамига;

«ишли виза»ни расмийлаштириш билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун компенсация суммаси фуқаро томонидан аризада кўрсатилган «ишли виза»ни берувчи ташкилотнинг ҳисоб рақамига тўлааб берилади.

3. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Э. Мухитдинов) 2021 йил 1 сентябрга қадар:

«labor-migration» дастурий мажмуасида меҳнат миграциясига кетаётган фуқароларга мазкур қарорда назарда тутилган компенсацияларни олиш имконини берувчи алоҳида сахифа ташкил қилинишини таъминласин;

Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги ва Бандликка кўмаклашиш марказлари ходимлари учун меҳнат миграциясига кетаётган фуқароларга хизмат кўрсатиш, уларга конунчилик хужжатларида белгиланган имтиёз, субсидия ва компенсацияларни олишга кўмаклашиш масалалари бўйича ўкув курсларини йўлга қўйисин;

меҳнат миграциясига кетаётган фуқароларга компенсацияларни тўлашда коррупция ҳолатларига, ортиқча сарсонгарчилик ва қофозбозликка йўл кўймаслик бўйича зарур чораларни қўрсин.

4. Белгилансинки, 2021 йил 1 августдан бошлаб транспорт компанияларининг (заруратга қараб, тез тибий ёрдамнинг кўчма бригадаларининг) меҳнат миграциясида бўлган даврида жароҳат олган, бахтсиз ҳодисага дуч келган, ўтири ёки оғир касалга чалинган фуқароларни, шу жумладан улар-

нинг вояга етмаган фарзандларини Ўзбекистон Республикасига олиб келиш билан боғлиқ харажатлари, шунингдек, ушбу фуқароларни тиббиёт ходими кузатуви остида қайтаришда тиббиёт ходимининг хизмат сафари харажатлари Жамғарма маблағлари хисобидан қоплаб берилади.

5. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 сентябрдаги 725-сон қарори билан тасдиқланган Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги хузуридаги Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи фуқароларни қўллаб-куватлаш ҳамда уларнинг ҳуқук ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага* мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

6. Молия вазирлиги (Т. Ишметов) 2021 йилда мазкур қарордаги чоратадбирларни амалга ошириш учун Жамғармага 52 миллиард сўм миқдоридаги маблағлар ажратилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А. Хаджаев) Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Э. Мухитдинов) билан биргаликда меҳнат миграциясига кетаётган фуқароларга давлат томонидан кўрсатиладиган қўллаб-куватлаш чоралари, уларга тўланадиган компенсациялар ва субсидиялар тўғрисида маҳсус дастур ва лавҳаларни эфирга узатиб борсин.

8. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик хужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Баш вазирининг маслаҳатчиси М.А. Хайриддинов, молия вазири Т.А. Ишметов ҳамда бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг биринчи ўринбосари Э.М. Мухитдинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 30 июль,
ПҚ-5205-сон

* Илова «Конунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ
БҮЙРУФИ**

449 Рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларини ва қатъий ҳисобдаги бланкаларни беришда, автомототранспорт воситалари, уларнинг тиркамалари (ярим тиркамалари)ни рўйхатдан ўтказишида, қайта рўйхатдан ўтказишида, мажбурий техник кўрикдан ўтказишида, шунингдек имтиҳонларни олишда ундириладиган тўловлар ставкаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил
28 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2303-3*

Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 15 октябрдаги ЎРҚ-641-сон «Ногиронлиги бўлган шахсларнинг хуқуqlари тўғрисида»ги Конуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 майдаги ПФ-5723-сон «Меҳнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар ва бошқа тўловлар миқдорларини аниқлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони хамда 2020 йил 22 октябрдаги ПҚ-4871-сон «Фавқулодда вазиятлардан жабр кўрган фукароларни ижтимоий химоя килишнинг қўшимча чоралари тўғрисида»ги қарори, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 9 мартағи 125-сон «Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2011 йил 23 ноябрдаги 174-сон буйруғи (рўйхат рақами 2303, 2011 йил 21 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 51-сон, 552-модда) тасдиқланган Рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларини ва қатъий ҳисобдаги бланкаларни беришда, автомототранспорт воситалари, уларнинг тиркамалари (ярим тиркамалари)ни рўйхатдан ўтказишида, қайта рўйхатдан ўтказишида, мажбурий техник кўрикдан ўтказишида, шунингдек имтиҳонларни олишда ундириладиган тўловлар ставкаларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 28 июлда эълон қилинган.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

П. БОБОЖНОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 5 июль,
144-сон

Ўзбекистон Республикаси
ички ишлар вазирининг 2021 йил 5 июлдаги
144-сон бўйруғига
ИЛОВА

**Рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларини ва
қатъий ҳисобдаги бланкаларни беришда, автомототранспорт
воситалари, уларнинг тиркамалари (яrim тиркамалари)ни
рўйхатдан ўтказишида, қайта рўйхатдан ўтказишида, мажбурий
техник кўрикдан ўтказишида, шунингдек имтиҳонларни
олишида ундириладиган тўловлар ставкаларига
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 1 — 7 ва 8¹-бандлардаги, 9-банднинг иккинчи — бешинчи хатбошиларидаги ҳамда 11 — 17-бандлардаги «энг кам иш ҳақининг» деган сўзлар «базавий ҳисоблаш миқдорининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 1-боб изоҳининг бешинчи хатбошисидаги «Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари томонидан ногиронларга» деган сўзлар «мехнат органлари томонидан ногиронлиги бўлган шахсларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 8-банд ва унинг изоҳи қўйидаги таҳrirда баён этилсин:

«

8. Автомототранспорт воситаси рўйхатдан ўтказилганилиги тўғрисида гувоҳномани бериш учун	—	базавий ҳисоблаш миқдорининг 70 фоизи миқдорида
--	---	---

Изоҳ:

яроқсиз ҳолга келган, шикастланган ёки ўғирланган автомототранспорт воситаси рўйхатдан ўтказилганилиги тўғрисида гувоҳнома дубликатини бериш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 70 фоизи миқдорида тўлов ундирилади;

йўқотилган автомототранспорт воситаси рўйхатдан ўтказилганилиги тўғрисида гувоҳнома дубликатини бериш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 баравари миқдорида тўлов ундирилади;

йўқотилган автомототранспорт воситасини рўйхатдан ўтказиш

ҳақида вақтингчалик гувоҳнома дубликатини берши учун белгиланган тўлов ставкасининг 5 баравари миқдорида тўлов ундирилади;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 октябрдағи ПҚ-4871-сон «Фавқулодда вазиятлардан жабр кўрган фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилишининг қўшимча чоралари тўгрисида»ги қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси ва хорижий давлатлар ҳудудида табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар, шу жумладан миший тусдаги оғатлар (турар, нотурар-жойнинг ёнгини ёки қулаши, транспорт воситасининг ёнгини) юз берганлиги оқибатида жисмоний шахсларнинг айбисиз йўқотилган ёки яроқсиз ҳолга келган автомотранспорт воситасининг рўйхатдан ўтказилганлиги тўгрисида гувоҳноманинг, шу жумладан вақтингчалик гувоҳноманинг дубликатини берши учун тўлов ундирилмайди.».

4. 10-бандда:

иккинчи, учинчи ва бешинчи хатбошилардаги «энг кам иш ҳақининг» деган сўзлар «базавий ҳисоблаш миқдорининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

бешинчи хатбоши тўртинчи хатбоши деб ҳисоблансан.

5. 4-бобнинг изоҳи қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Изоҳ:

Автомотранспорт воситаларини ва уларнинг тиркамалари (ярим тиркамалари)ни навбатдаги техник кўрикдан ўтказишнинг илгари ўрнатилган муддатларидан қатъи назар, улар Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати органларида рўйхатдан ўтказиши (қайта рўйхатдан ўтказиши) вақтида техник кўрикдан ўтказилади (биринчи марта рўйхатга олинаётган янги транспорт воситалари бундан мустасно) ва белгиланган миқдорда тўлов ундирилади.».

6. 5-бобнинг изоҳи қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Изоҳ:

яроқсиз ҳолга келган, шикастланган ёки ўғирланган ҳайдовчилик гувоҳномаси ўрнига дубликатини, шу жумладан эски намунадаги ҳайдовчилик гувоҳномаси ва (ёки) унинг талони ўрнига янги намунадаги ҳайдовчилик гувоҳномасини берши учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 70 фоизи миқдорида тўлов ундирилади;

йўқотилган эски намунадаги ҳайдовчилик гувоҳномаси ва (ёки) унинг талони ўрнига янги намунадаги ҳайдовчилик гувоҳномасини берши учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 баравари миқдорида тўлов ундирилади;

йўқотилган янги намунадаги ҳайдовчилик гувоҳномаси ўрнига дубликат берши учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 баравари миқдорида тўлов ундирилади;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 октябрда-

ги ПҚ-4871-сон «Фавқулодда вазиятлардан жабр кўрган фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилишининг қўшишмча чоралари тўғрисида»ги қарорига асосан, Ўзбекистон Республикаси ва хорижий давлатлар ҳудудида табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар, шу жумладан майиш тусдаги оғатлар (туар, нотурар-жойининг ёнгини ёки қулаши, транспорт воситасининг ёнгини) юз берганлиги оқибатида фуқаронинг айбисиз йўқотилган ёки яроқсиз ҳолга келган ҳайдовчилик гувоҳномасининг дубликатини бериши учун тўлов ундирилмайди.».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ ҲУЗУРИДАГИ КАДАСТР
АГЕНТЛИГИ ДИРЕКТОРИНИНГ
БҮЙРУГИ

450 «Кўчмас мулк объектларига кадастр йиғмажилдини тайёрлаш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 28 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2725-3

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 22 июн-даги 389-сон «Давлат кадастрларини юритиш соҳасини тартибга солувчи айрим норматив-хуқуқий хужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буйораман:**

1. Айрим идоравий норматив-хуқуқий хужжатлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.
2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Директор

Ф. УМАРОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 19 июль,
3-сон

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 28 июлда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Давлат солиқ қўмитаси хузуридаги Кадастр
агентлиги директорининг 2021 йил
19 июлдаги З-сон буйруғига
ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий
норматив-ҳуқуқий хужжатлар
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг 2015 йил 22 октябрдаги 33-сон «Кўчмас мулк обьектларига кадастр йиғмажилдини тайёрлаш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 2725, 2015 йил 3 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2015 й., 44-сон, 568-модда).

2. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг 2017 йил 6 июндаги З-сон «Кўчмас мулк обьектларига кадастр йиғмажилдини тайёрлаш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш хақида»ги қарори (рўйхат рақами 2725-1, 2017 йил 20 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2017 й., 25-сон, 558-модда).

3. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг 2017 йил 14 ноябрдаги 8-сон «Кўчмас мулк обьектларига кадастр йиғмажилдини тайёрлаш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш хақида»ги қарори (рўйхат рақами 2725-2, 2017 йил 14 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2017 й., 50-сон, 1232-модда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БҮЙРУФИ

451 Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик тизими та-
комиллаштирилиши муносабати билан вазирликлар,
давлат қўмиталари ва идораларнинг айрим идоравий норматив-
хукукий ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил
28 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3313*

Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-хукукий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат хукукий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 19 майдаги ПФ-5997-сон Фармони ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида» 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ-3666-сон қарорига асосан **буюраман**:

1. Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар томонидан қабул қилинган айрим идоравий норматив-хукукий ҳужжатларга иловага мувофик ўзгартиришлар киритилсин.
2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 28 июль,
15-мҳ-сон

Ўзбекистон Республикаси
адлия вазирининг 2021 йил 28 июлдаги
15-мҳ-сон буйрувига
ИЛОВА

**Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар томонидан
қабул қилинган айрим идоравий норматив-хукукий
ҳужжатларга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Мехнат вазирлиги ва Ижтимоий таъминот вазирлиги томонидан 1998 йил 7 январда 8/04-01, 32/01-сон билан тасдиқланган Мехнат дафтарчаларини юритиш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг (рўйхат рақами 402, 1998 йил 29 январь) 1.2-банди бешинчи хат-

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 28 июлда эълон қилинган.

бошиси, 2.20-банди, 5.1-банди биринчи хатбошисидаги «қонун» деган сўзлар «қонунчилик» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги ва Мехнат вазирлиги томонидан 1998 йил 30 ноябрда 2-271/04-сон ва 1235/04-1-сон билан тасдиқланган Алоҳида асосларга кўра меҳнат шартномаси бекор қилингандан ишдан бўшатилган ходимларга муддатидан олдин пенсия тайинлаш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг (рўйхат рақами 588, 1999 йил 7 январь) 2-бандидаги «қонун» деган сўзлар «қонунчилик» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Мехнат вазирлигининг 1999 йил 24 апрелдаги 2/6-сон Ҳайъат қарори билан тасдиқланган Ишсиз шахсларни касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш тўғрисидаги низомнинг (рўйхат рақами 762, 1999 йил 2 июль) 1.3-банди бешинчи хатбошисидаги «қонун» деган сўз «қонунчилик» деган сўз билан алмаштирилсин.

